БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 99 (4346).

20 МАЙ ЧОРШАНБА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ПИЛЛА ТОПШИРИШ БОШЛАНДИ

БЕКОБОД. (Телефон орқали олинди). Райондаги Ленин номли колхоз пиллачилари бу йил мўл ва сифатли «кумуш тола» етиштириш учун эрта баҳордан бери астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳўжаликдаги барча пиллачилик бригада ва звеноларининг моҳир пиллачилари ҳар йилгидан эрта пилла етиштириш учун бор тажриба ва маҳоратларини ишга солдилар. Колхознинг донгдор пиллачиларидан Мунис Турсунова, Адолат Ўринбоевалар колхозда биринчилар қаторида пилла топширишни бошлаб юбордилар.

Моҳир пиллачилар куни кеча қабул пунктига ҳар қути қурт уруғидан 90—100 килограммдан пилла териб топширишди. Уларнинг етиштирган ҳосили юқори сортларга қабул қилинди. Колхознинг уста пиллакорлари «кумуш тола» топшириш ишларини давом эттирмоқдалар. Шунингдек Навоий номли колхознинг илғор пиллакори Ҳалима Жонйигитова ҳам бир қути қурт уруғидан дастлабки 88 килограмм пилланн қабул пунктига топширди.



КАЛИНИН районидаги «Қорасув» совхози деҳқонлари эртаги карам етказишда йилдан-йилга катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар шу кунларда шаҳарликлар дастурхонига кўплаб эртаги карам етказиб бермоқдалар. Суратда: совхознинг бош агрономи Файзилла Азимхўжаев (чапда) ва бригада табелчиси Қ. Чопчаров ўртоқлар карам ҳосилини нўздан кечиришмоқда.

А. АБАЛЯН фотоси.

ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ — ТАРБИЯ МАКТАБИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Илгари ҳабар бериб ўтилганидек, 18 майда Тошкент область партия комитетининг X пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари, **М. М. Мусахонов** «КПСС Марказий Комитетининг Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисидаги қарорини бажаришнинг бориши» ҳақида доклад қилди.

— Биз ҳозирги кунда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги эътиборига муносиб равишда меҳнат ғалабаларини ёрқин ва унутилмас таассуротлар билан яшамоқдамиз. Ленин юбилейи Ленин ишининг чинакам тантанаси, Ленин орзулари рўёбга чиққанлигининг намойишига, революцион кучларнинг жанговар кўригига айланиб кетди.

КПСС Марказий Комитети бош секретари Л. И. Брежневнинг Кремль Съездлар саройидаги тантанали мажлисда қилган ва мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёда катта таассурот ва қизиқиш уйғотган докладида В. И. Ленининг улуғ мутафаккир ва революционер сифатидаги улуғворлиги чуқур ва атрофлича кўрсатиб берилди. Докладда Ленин таълимотининг буюк ўзгартирувчи кучга эга бўлган улуғ манбалари атрофлича кўрсатилди.

Докладда совет халқининг Ленин байроғи остида эришган оламшумул-тарихий ғалабаси, халқаро революцион ҳаракат ютуқлари ёрқин ифодалаб берилди, ҳозирги даврда империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социал прогресс учун кураш соҳасидаги актуал вазифалар қайд қилиб ўтилди.

Ленин юбилейи халқаримизнинг меҳнат кўтаринкилиги ғайратини оширib юборди, ижодий кучларини жўш урдирди. Ленин юбилейи кунларида совет халқининг социалистик ва ғоявий бирлиги бундан буён ҳам Ленин васиятларини муносиб бажаришга ҳамиша қодир эканлиги ёрқин намоён бўлди.

Ленин юбилейига тайёргарлик кунларида пойтахт области меҳнаткашларининг мусобақаси чинакамига оммавий тус олди. Ҳар бир киши шиори санани коммунистик қурилиш соҳасида конкрет вазифаларни бажариш билан кутиб олишни ўзининг шон-шараф иши, деб билди.

Мусобақа давомида илгор коллективларнинг ташаббуси билан ленинча шанбалик анъаналари давом эттирилди ва ривожлантирилди. Областимиз меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари 1970 йил 11 апрелда ўтказилган умумхалқ шанбалигида актив қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарори, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорлик режимини кучайтириш тўғрисида»ги Хати меҳнаткашларни жамоат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашга сафарбар этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Область саноати ходимлари маҳсулот реализация қилиш бўйича тўрт ойлик планни муддатидан илгари 103,5 процент қилиб бажардилар. Пландан ташқари миллионлаб сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги плани 105 процент бажарилди. Йил бошидан буён маҳсулот реализация қилишнинг ўсиш суръати, 111,4 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги бўйича бу процент 109,9 га етди.

Қурувчилар ҳам муваффақиятли меҳнат қилдилар. Капитал маблағ сарфлаш ҳажми бўйича план 102 процент бажарилди. Қурилишмонтаж ишлари плани 113 процент адо этилди.

Қишлоқ хўжалик-меҳнаткашлари экишни муваффақиятли тугалладилар. Ҳозирги кунда улар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун қизғин иш олиб бормоқдалар.

Юбилей социалистик мусобақасида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун 36 илғор корхона, ташкилот, колхоз ва совхозлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Ленин юбилейи ёрлиги билан, 157 коллектив эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзсовпрофнинг Ленин юбилейи фахрий ёрликлари билан, 151 коллектив область партия комитети, область ижроия комитети ва облсовпрофнинг фахрий ёрликлари билан мукофотланди. Шаҳарнинг ва областнинг 105 мингдан ортиқ меҳнаткаши В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш юзасидан таъсис қилинган «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан мукофотланди.

Партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотидан руҳланган областимиз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари юбилей йилида давлат планларини муддатидан илгари бажариш, беш йиллик планни муддатидан илгари 7 ноябргача адо этиш, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси томонидан қўйилган барча вазифаларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа байроғини яна ҳам баланд кўтариб меҳнат қилмоқдалар.

Партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган идеология ишлари Ленин назарий меросини кенг тарғиб қилишга, партия ҳужжатларини атрофлича тушунтиришга, меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга қаратилгандир.

Коммунистик партия ўз фаолиятининг барча жараёнларида бошланғич партия ташкилотларини ҳал қилувчи аҳамияти тўғрисидаги ленинча кўрсатмага изчиллик билан доимо амал қилиб келмоқда. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, уларнинг иш услубларини ва методларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

КПСС XXIII съезди Совет жамиятининг ҳар тарафлама ривожланиб бораётганлигини, ҳўжалик ва маданий қурилиш кўламининг кенгайиб, ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларнинг ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, партиянинг ички ҳаётини ташкил этишга бўлган талабни янада кучайтирди. Партияни янада мустаҳкамлаш вазифаларини бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш вазифалари билан боғлаб олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

Партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумлари қарорларини амалга ошира бориб область партия ташкилотлари сон ва сифат жиҳатидан ўсдилар, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамландилар, ўз жанговарлик қобилиятларини, ҳўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал қилишдаги ролларини оширдилар. Ҳозирги кунда область партия ташкилоти ҳисобида 123 мингдан ортиқ коммунист, 3234 бошланғич, 3500 дан ортиқ цех партия ташкилоти ва 4000 га яқин партия группаси бор.

Бу рақамлар барча партиявий ишларнинг асосий маркази ишлаб чиқаришнинг конкрет участкалари — бригада ва цехларда тобора мукаммалаштирилаётганлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Бу ҳол бошланғич партия ташкилотларига барча коллективни ва ҳар бир кишини ғоявий ва сиёсий ишлар таъсирига қамраб олиш имкониятини беради.

Коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини кучайтириш, уларнинг ўз ташкилотларидаги ишнинг аҳволи учун масъулиятларини оширишнинг асосий шарти бундан буён ҳам партия ички демократияси, партия ҳаётининг ва раҳбарлик принципларининг ленинча нормаларига қатъий ва изчиллик билан амал қилиш бўлиб қолади.

Бошланғич партия ташкилотлари шароитида партия ички демократияси энг аввало партия мажлисларида ўзининг амалий ифодасини топади. Партия мажлиси коммунистларни тарбиялаш, уларда жамоат ва сиёсий оммавий ишларга кўникма ҳосил қилиш, уларнинг активлиги ва ташаббускорлигини оширишнинг асосий воситасидир.

КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисидаги» қарори барча ташкилий-партиявий ишларни яхшилаш, партия мажлисларининг роли ва савиясини, таъсирчанлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Қарорда партия мажлисларини ўтказиш практикаси чуқур анализ қилиб берилди, бу соҳада тўпланган тажрибалар умумлаштирилди. Шу билан бирга партия мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш соҳасидаги камчиликлар ҳар тарафлама кўрсатилди, бу камчиликларни тугатишнинг конкрет йўл-йўриқлари белгиланди, партия ички демократиясини янада ривожлантириш, ташкилий ва идеология ишлари форма ва методларини такомиллаштириш тадбирлари белгилаб берилди.

Барча партия ташкилотлари ва коммунистлар бу қарорни ўз амалий ишлари учун муҳим программа сифатида қабул қилдилар. Бу қарор шаҳар ва район партия комитетлари пленумларида, коммунистлар йиғилишларида муҳокама этилди. Партия мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш соҳасидаги мавжуд камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Бу қарор қабул қилинганига деярлик ярим йил бўлди. Эндиликда ана шу қарорни бажариш юзасидан область партия ташкилотида қандай ишлар қилинганини қараб чиқиш мумкин.

Область партия комитети, шаҳар партия комитетлари, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети қарорига амал қилиб, партия мажлисларининг ролини оширишга юзасидан маълум ишларни бажардилар. Кўпгина партия комитетлари коммунистларнинг мажлисларини ўтказиш практикасини планли равишда ва чуқур ўрганиб қолдилар, социалистик ва коммунистик қурилишнинг актив иштирокчилари бўлиб келдилар ва шундай бўлиб қоладилар.

Мамлакатнинг ёш граждан-лари!

Советлар, социалистик демократия — оталаримиз ва боболаримиз ижодининг маҳсулидир. Советлар ҳокимияти 1917 йил октябрида ишчилар ва деҳқонларнинг қони эвазига қўлга киритилди. Улар Советлар ҳокимиятини Граждан Уруши ва Ватан уруши майдонларида душманларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда ҳимоя қилдилар, буюк қурилиш кунларида мустаҳкамладилар. Биз ҳозирги кунда чинакам халқ ҳокимиятини мерос қилиб олганмиз ва ота-боболаримизнинг бу ҳокимиятни биз каби муқаддас билиб, сидқидилдан, фидокорона сақлангиз, деб берган наказини эсдан чиқармаслиққа бурчлимиз.

СССР Олий Совети сайлови Совет Социалистик демократиясининг тантанасини ифода этади. Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти ёш авлодга кенг истиқболлар очиб бердилар, ижодий меҳнат қилиш, илм олиш, шахсан ҳар томонлама мукаммал ўсиш учун имконият вужудга келтирдилар. Ҳамма парса инсон учун, ҳамма нарса инсон қобилиятларини камолатга етказиш учун деган принцип рўёбга чиқаётганлигини ҳаммамиз кун сайин, соат сайин сезиб турибмиз.

Мамлакатнинг ёш граждан-лари ўз ватанининг тўла ҳуқуқли эгаларидир. Улар кекса авлод билан биргаликда станоклар ёнида ишламоқдалар ва ҳосил етиштирмоқдалар, электр станцияларини қурмоқдалар ва ватанимизнинг муқаддас чегараларини қўриқламоқдалар, табиат сирларини билиб олмоқдалар ва жамият ишларини бошқаришни ўрганмоқдалар, ленинча ишлаш, ўқиш ва яшашга интилмоқдалар.

Совет ёшлари СССР Олий Совети сайловларида қатнашиб, ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун овоз берадилар. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш учун курашда актив қатнашиш комсомол ташкилотларининг жонажон иши бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети 1969 йил декабрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорлик режимини кучайтириш тўғрисида»ги мактубида қўйилган вазифаларни бажариш — ҳозирги кундаги энг муҳим ишимиздир.

Жамиятимизнинг келгусидаги тараққиёти ёшларимизнинг ҳозирги кунда илм олиш ҳуқуқидан қандай фойдаланаётганликларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Миллионларча совет студентлари, техникум, мактаб, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари билимларни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини, маданият чўққиларини эгалламоқдалар. Умумий ўрта таълимга ўтиш йигит-қизларга янги имкониятлар очиб беради.

Бизнинг мамлакатимизда Ленининг жамият ва давлатни бошқаришда ёшларни қатнаштириш тўғрисидаги ғоялари оғишмай амалга оширилмоқда. Ёш граждан-лардан беш юз минга яқин киши маҳаллий советларга, шунингдек СССР Олий Советига ва иттифоқдош республикалар ҳамда автоном республикаларнинг Олий Советларига халқимиз сайлаб қўйган депутатлардир. Советларда ёшлар иши билан шуғулланувчи доимий комиссиялар тузилган. Ёш авлоднинг энг яхши вакиллари СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Биз Ленининг пролетар, социалистик демократия ҳар қандай буржуа демократиясидан миллион марта демократ-роқдир, деган сўзларини ифтихор билан такрорлаймиз.

Биз, ёшлар кекса авлод билан биргаликда совет демократиясининг традицияларини сақлашимиз, ривожлантиришимиз ва кўпайтиришимиз керак.

Биз ёшлар кекса авлод билан биргаликда социализм ва пролетар интернационализми идеалларининг қудратли кучини, ишчилар синфи билан деҳқонлар буюк иттифоқини мустаҳкамлай боришимиз керак.

Биз, ёшлар совет кишиларининг кекса авлоди билан биргаликда совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини, кўп миллатли давлатимиз халқларининг дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб боришимиз лозим.

Ҳар биримиз СССР Олий Совети сайловида қатнашиб, совет ҳаёт тарзи учун, илғор совет идеологияси учун, абадий барқарор, ҳамиша голиб революцион таълимот бўлмиш марксизм-ленинизм учун овоз берамиз.

Совет ёшлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатини бутунича ва тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар, жаҳон халқларининг антиимпериалистик курашида улуғ пролетар интернационал бирлигига астойдил содиқ эканликларини яна бир марта таъкидламоқдалар.

Советлар мамлакатининг ёшлари америкалик агрессорлар ва уларнинг гуманштларига қарши мардона жанг қилаётган қаҳрамон вьетнам ва лаос халқи ҳамда ёшлари билан биргадир. Улар АҚШ империалистларининг Камбоджага қарши агрессиясини қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар ва америкалик агрессорларнинг қўшинлари Ҳинди-Хитойдаги барча мамлакатлардан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилмоқдалар.

Араб мамлакатларининг халқлари ва ёшлари, исроиллик агрессорлар ва уларнинг ҳомийлари қилаётган ҳамлаларга қарши олиб бораётган курашингизда совет ёшлари сизлар билан биргадир. Совет ёшлари Осиё, Африка ва Латин Америкасида, ер курраснинг ҳамма қисмида халқларнинг империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши, миллий ҳамда социал озодлик учун олиб бораётган ҳаққоний курашини астойдил қўллаб-қувватлайдилар.

Совет Иттифоқининг йигит ва қизлари капиталистик мамлакатларда ўзларининг социал ҳуқуқлари учун, монополиялар зулмига қарши курашни кучайтираётган тараққийпарвар меҳнаткаш ёшлар билан тамомила бирдам эканликларини изҳор қиладилар.

Комсомоллар, йигит ва қизлар!

Биз ота-боболаримиз революцион ишининг ворисларимиз. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида бундай деган эди: «Социализм учун курашчиларнинг кекса авлоди ўзига муносиб ўринбосар тайёрлади, унга ўз тажрибасини, ўз билимларини, сафарли Ленин эстафетасини топширди. Партия шунга голт аминдирки, совет ёшлари ва унинг илғор отряди—ўз сафларида юз миллиондан ортиқ совет кишисига сиёсий сабок берган Ленин комсомоли янги ажойиб ишлар қилиб ватан шуҳратини оширадилар».

Биз партиянинг ана шу буюк ишончини, юксак шарафини халқ бахт-саодати йўлида, севикли ватанимизни янада яшнатиш йўлида фидокорона меҳнатимиз билан доим оқлашимиз лозим.

Коммунистик партиянинг кўп қиррали фаолияти, унинг меҳнаткашлар манфаатлари учун фидокорона қилаётган ҳизмати ёшлар учун илҳомбахш ўрнак дир. Ленин комсомоли, совет ёшлари ёш авлод тўғрисида оталарча қилаётган ғамхўрлиги учун, коммунизм тантанаси йўлида тинмай қилаётган меҳнати учун жонажон партиядан миннатдордирлар.

Комсомоллар, мамлакатнинг бутун ёш авлоди СССР Олий Совети сайловида қатнашиб, Ленин идеалларига садоқатларини Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида ўз сафларининг янгиларини яна бир марта тасдиқлайдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитети сиз, йигит ва қизларни, Советлар мамлакатининг ёш граждан-ларини КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қилган мурожаатини қизғин қўллаб-қувватлашга ва сайлов куни ҳаммангиз бир ёқадан бош чиқариб сайлов участкаларига келиб, ватанимизнинг энг яхши ўғил ва қизлари — коммунистлар блан партиясизлар блокининг номзодлари учун, шунли Ленин партияси учун, коммунизм учун овоз беришга даъват этади.

Сайлов куни меҳнат зафарларимиз билан кутиб олайлик!

Коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодларини ёқлаб овоз берайлик!

Яшасин совет ватани!

Яшасин давримизнинг ақл-идроки — Коммунистик партия!

Яшасин коммунизм!

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КОММУНИЗМ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

БУТУНИТТИФОК ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БАРЧА ЁШ САЙЛОВЧИЛАРГА МУРОЖААТИ

Комсомоллар, йигит ва қизлар! Мамлакатнинг ёш граждан-лари!

14 июнь давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Советига сайлов бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Советлар мамлакатининг барча ишчиларига, деҳқонларига, совет зиёлиларига, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчиларига, барча граждан-ларига» мурожаати комсомолларни, мамлакатнинг ҳамма ёшларини гоят тўлқинлантирди, уларнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада кучайтириб юборди. Ёшлар КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга мурожаатини қизғин маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Барча совет кишилари сингари комсомоллар, йигит ва қизлар ҳам мурожаатда партиямизнинг социалистик ватан қудратини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлигининг яна бир нишонасини, коммунистик келажак йўлини очаётган халқнинг энг эзгу фикр-ўйлари ва орзу-умидлари ифодасини кўриб турибдилар.

Комсомоллар ва ёшлар ўз меҳнатларига жонажон партия юксак баҳо берганлиги ва Марказий Комитет мурожаатида ёш авлодга чексиз ишонч билдирилганлиги учун ундан астойдил миннатдордирлар.

ВЛКСМ Марказий Комитети шунга аминдирки комсомоллар, ёшлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мурожаатига ажойиб ишлар билан жавоб берадилар, партия ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш йўлидаги меҳнатда кучгайратларини аямай сарфлашга бел боғлаганликларини, коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшишга тайёр эканликларини яна бир марта исботлайдилар.

СССР Олий Советига бўладиган бу сафарги сайлов Ленин юбилейи йилида ўтади. Барча совет кишилари сингари мамлакатнинг ёш авлоди учун ҳам Совет Социалистик демократияси принципларининг амалга оширилиши Ленин номи билан; Коммунистик партия билан узвий равишда боғлантандир.

Ёш авлодлар ҳаётни коммунистик негизларда тубдан қайта қуриш санъатини Ленин-дан ўрганиб келдилар. Комсомоллар, ёшлар улуғ доҳий васиятларига амал қилиб, ҳамиша Улуғ Октябрь ғалабалари ҳимоячиларининг биринчи сафларида бўлиб келдилар ва шу сафларда доимо қоладилар, социалистик ва коммунистик қурилишнинг актив иштирокчилари бўлиб келдилар ва шундай бўлиб қоладилар.

Мамлакатнинг ёш граждан-лари!

Советлар, социалистик демократия — оталаримиз ва боболаримиз ижодининг маҳсулидир. Советлар ҳокимияти 1917 йил октябрида ишчилар ва деҳқонларнинг қони эвазига қўлга киритилди. Улар Советлар ҳокимиятини Граждан Уруши ва Ватан уруши майдонларида душманларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда ҳимоя қилдилар, буюк қурилиш кунларида мустаҳкамладилар. Биз ҳозирги кунда чинакам халқ ҳокимиятини мерос қилиб олганмиз ва ота-боболаримизнинг бу ҳокимиятни биз каби муқаддас билиб, сидқидилдан, фидокорона сақлангиз, деб берган наказини эсдан чиқармаслиққа бурчлимиз.

СССР Олий Совети сайлови Совет Социалистик демократиясининг тантанасини ифода этади. Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти ёш авлодга кенг истиқболлар очиб бердилар, ижодий меҳнат қилиш, илм олиш, шахсан ҳар томонлама мукаммал ўсиш, учун имконият вужудга келтирдилар. Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон қобилиятларини камолатга етказиш учун деган принцип рўёбга чиқаётганлигини ҳаммамиз кун сайин, соат сайин сезиб турибмиз.

Мамлакатнинг ёш граждан-лари ўз ватанининг тўла ҳуқуқли эгаларидир. Улар кекса авлод билан биргаликда станоклар ёнида ишламоқдалар ва ҳосил етиштирмоқдалар, электр станцияларини қурмоқдалар ва ватанимизнинг муқаддас чегараларини қўриқламоқдалар, табиат сирларини билиб олмоқдалар ва жамият ишларини бошқаришни ўрганмоқдалар, ленинча ишлаш, ўқиш ва яшашга интилмоқдалар.

Совет ёшлари СССР Олий Совети сайловларида қатнашиб, ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун овоз берадилар. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш учун курашда актив қатнашиш комсомол ташкилотларининг жонажон иши бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети 1969 йил декабрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорлик режимини кучайтириш тўғрисида»ги мактубида қўйилган вазифаларни бажариш — ҳозирги кундаги энг муҳим ишимиздир.

Жамиятимизнинг келгусидаги тараққиёти ёшларимизнинг ҳозирги кунда илм олиш ҳуқуқидан қандай фойдаланаётганликларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Миллионларча совет студентлари, техникум, мактаб, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари билимларни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини, маданият чўққиларини эгалламоқдалар. Умумий ўрта таълимга ўтиш йигит-қизларга янги имкониятлар очиб беради.

Бизнинг мамлакатимизда Ленининг жамият ва давлатни бошқаришда ёшларни қатнаштириш тўғрисидаги ғоялари оғишмай амалга оширилмоқда. Ёш граждан-лардан беш юз минга яқин киши маҳаллий советларга, шунингдек СССР Олий Советига ва иттифоқдош республикалар ҳамда автоном республикаларнинг Олий Советларига халқимиз сайлаб қўйган депутатлардир. Советларда ёшлар иши билан шуғулланувчи доимий комиссиялар тузилган. Ёш авлоднинг энг яхши вакиллари СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Биз Ленининг пролетар, социалистик демократия ҳар қандай буржуа демократиясидан миллион марта демократ-роқдир, деган сўзларини ифтихор билан такрорлаймиз.

Биз, ёшлар кекса авлод билан биргаликда совет демократиясининг традицияларини сақлашимиз, ривожлантиришимиз ва кўпайтиришимиз керак.

Биз ёшлар кекса авлод билан биргаликда социализм ва пролетар интернационализми идеалларининг қудратли кучини, ишчилар синфи билан деҳқонлар буюк иттифоқини мустаҳкамлай боришимиз керак.

Биз, ёшлар совет кишиларининг кекса авлоди билан биргаликда совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини, кўп миллатли давлатимиз халқларининг дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб боришимиз лозим.

Ҳар биримиз СССР Олий Совети сайловида қатнашиб, совет ҳаёт тарзи учун, илғор совет идеологияси учун, абадий барқарор, ҳамиша голиб революцион таълимот бўлмиш марксизм-ленинизм учун овоз берамиз.

Совет ёшлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатини бутунича ва тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар, жаҳон халқларининг антиимпериалистик курашида улуғ пролетар интернационал бирлигига астойдил содиқ эканликларини яна бир марта таъкидламоқдалар.

Советлар мамлакатининг ёшлари америкалик агрессорлар ва уларнинг гуманштларига қарши мардона жанг қилаётган қаҳрамон вьетнам ва лаос халқи ҳамда ёшлари билан биргадир. Улар АҚШ империалистларининг Камбоджага қарши агрессиясини қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар ва америкалик агрессорларнинг қўшинлари Ҳинди-Хитойдаги барча мамлакатлардан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилмоқдалар.

Араб мамлакатларининг халқлари ва ёшлари, исроиллик агрессорлар ва уларнинг ҳомийлари қилаётган ҳамлаларга қарши олиб бораётган курашингизда совет ёшлари сизлар билан биргадир. Совет ёшлари Осиё, Африка ва Латин Америкасида, ер курраснинг ҳамма қисмида халқларнинг империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши, миллий ҳамда социал озодлик учун олиб бораётган ҳаққоний курашини астойдил қўллаб-қувватлайдилар.

Совет Иттифоқининг йигит ва қизлари капиталистик мамлакатларда ўзларининг социал ҳуқуқлари учун, монополиялар зулмига қарши курашни кучайтираётган тараққийпарвар меҳнаткаш ёшлар билан тамомила бирдам эканликларини изҳор қиладилар.

Комсомоллар, йигит ва қизлар!

Биз ота-боболаримиз революцион ишининг ворисларимиз. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида бундай деган эди: «Социализм учун курашчиларнинг кекса авлоди ўзига муносиб ўринбосар тайёрлади, унга ўз тажрибасини, ўз билимларини, сафарли Ленин эстафетасини топширди. Партия шунга голт аминдирки, совет ёшлари ва унинг илғор отряди—ўз сафларида юз миллиондан ортиқ совет кишисига сиёсий сабок берган Ленин комсомоли янги ажойиб ишлар қилиб ватан шуҳратини оширадилар».

Биз партиянинг ана шу буюк ишончини, юксак шарафини халқ бахт-саодати йўлида, севикли ватанимизни янада яшнатиш йўлида фидокорона меҳнатимиз билан доим оқлашимиз лозим.

Коммунистик партиянинг кўп қиррали фаолияти, унинг меҳнаткашлар манфаатлари учун фидокорона қилаётган ҳизмати ёшлар учун илҳомбахш ўрнак дир. Ленин комсомоли, совет ёшлари ёш авлод тўғрисида оталарча қилаётган ғамхўрлиги учун, коммунизм тантанаси йўлида тинмай қилаётган меҳнати учун жонажон партиядан миннатдордирлар.

Комсомоллар, мамлакатнинг бутун ёш авлоди СССР Олий Совети сайловида қатнашиб, Ленин идеалларига садоқатларини Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида ўз сафларининг янгиларини яна бир марта тасдиқлайдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитети сиз, йигит ва қизларни, Советлар мамлакатининг ёш граждан-ларини КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қилган мурожаатини қизғин қўллаб-қувватлашга ва сайлов куни ҳаммангиз бир ёқадан бош чиқариб сайлов участкаларига келиб, ватанимизнинг энг яхши ўғил ва қизлари — коммунистлар блан партиясизлар блокининг номзодлари учун, шунли Ленин партияси учун, коммунизм учун овоз беришга даъват этади.

Сайлов куни меҳнат зафарларимиз билан кутиб олайлик!

Коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодларини ёқлаб овоз берайлик!

Яшасин совет ватани!

Яшасин давримизнинг ақл-идроки — Коммунистик партия!

Яшасин коммунизм!

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КАТТА МУВАФФАҚИЯТ

Партиямиз XXIII съезди тарихий қароларини изчил амалга ошириш учун курашаётган, партиямиз Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қабул қилган қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ва беш йиллик планда кўрсатилган топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ мусобақасига қўшилган Оржоникидзе районининг чорвадорлари куни кеча катта муваффақиятни қўлга киритганликлари ҳақида ғалаба рапорти беришди.

Район чорвадорлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини 114 процент, тухум сотиш планини 100,2 процент, жун сотиш йиллик планини эса 100,3 процент бажаришга эришдилар. Давлатга пландаги 7 минг центнер ўрнига 7973 центнер гўшт, 10 миллион 23 минг дона ўрнига 10 миллион 33 минг дона тухум, 170 ўрнига 175 центнер жун сотдилар.

Район бўйича давлатга чорвачилик маҳсулотларн етказиб беришда эришилган бу катта ютуқларга Киров номли колхоз (раиси О. Музаффаров, партия ташкилотининг секретари С. Ҳайитов ўртоқлар), Ленин номли (раиси Т. Нормуҳамедов, партия ташкилотининг секретари Х. Нуриддинов ўртоқлар), «Октябрь» (раиси Х. Элбўсинов, партия ташкилотининг секретари У. Тўлаганов ўртоқлар) колхозлари катта ҳисса қўшдилар.

Тошкент паррандачилик фабрикаси коллективи ҳамда «Красний водопад» экспериментал базаси коллективи ҳам давлатга ярим йиллик гўшт ва тухум сотишда яхши натижаларга эришдилар.

РУМИНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Руминия Коммунистик партияси раҳбарлари ўртасида ўзаро келишувга мувофиқ ҳар иккала партия делегациялари ўртасида музокаралар олиб борилади. Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси давлат кенгаши раиси ўртоқ Николае Чаушеску бошчилигидаги Руминия Компартияси делегацияси шу мақсад билан 18 майда Москвага келди.

(ТАСС).



БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

НУРУЛЛА Ҳабибуллаев Тошкентдаги хўжалик буюмлари заводининг илғор ишчиларидан ҳисобланади. У норманы доим ошириб адо этмоқда.

БУ дугоналар Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасида меҳнат гаштини суришаяпти. Касбига меҳр қўйган қизлар дам олишда ҳам доим бирга бўлишади.

МЕҲНАТ Қизил Байроқ орденли кибернетика институтида халқ хўжалигининг турли масалаларига оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Техника кибернетикаси лабораторияси бошлиғи Тўлқин Бекмуродов МН—18 ҳисоблаш комплексида тадқиқот ишларини олиб бораётир.

И. ШОИНҒОМОВ ва М. НУРИДДИНОВ ФОТОЛАРИ.

ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ—ТАРБИЯ МАКТАБИ

(Боши биринчи бетда).

Тошкентдаги 3-тикув фабрикасида КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилишга бағишланган коммунистлар йиғилишини айниқса қизиқарли ўтди. Бу мажлисга барча коммунистлар яхши тайёргарлик кўрдилар. Партия ташкилотининг секретари М. Соliевнинг докладида партия мажлисини ўтказиш практикаси атрофлича чуқур анализ қилиб берилди, бу соҳадаги яхши ишлар қайд қилинди. Бироқ, асосий эътибор йўл қўйилган камчиликларга қаратилди. Коммунистлар бу камчиликларни бартараф этиш йўлларини белгиладилар. Докладнй муҳокама қилиш ишчанлик вазнитида ўтди. Конкрет вазифалар бўйнча қарор қабул этилди. Ҳеч сўзсиз, бу тадбир ижобий натижа бермоқда.

В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техникаси заводи, (партия комитетининг секретари О. Н. Карасев), Фарҳод ГЭСи (партия бюросининг секретари А. А. Аҳмедшин), «Қизил Ўзбекистон» (партия комитетининг секретари А. Соатов), Ленин номли (партия комитетининг секретари К. Т. Когай) колхозлари, «Қорасув» совхози (партия комитетининг секретари М. Еқубова) партия ходимлари фаолиятидан ҳам кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Уларда партия мажлислари ўз вақтида ўтказиб турилади, партия ҳаётининг коллектив олдида турган вазифалар билан бевосита боғлиқ бўлган масалалари муҳокама этилади.

Партия сафларининг ўсиши, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлигини ошириш, фан-техника тараққиёти масалалари, меҳнаткашлар оммаси ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш — булар ҳозирги кунда коммунистларни биринчи навбатда қизиқтираётган масалалардир. Партия мажлисларига тайёргарлик кўришда кенг актив — цех партия ташкилотларининг секретарлари, партгруппорглар, ишлаб чиқариш мутахассислари, партия комитетларининг аъзолари ва оддий коммунистлар иштирок этмоқдалар. Партия мажлисларига тайёргарлик кўриш жараёнида коммунистлар жойлардаги аҳвол билан атрофлича танишиб, камчиликларни тугатиш юзасидан қимматли маслаҳат бермоқдалар. Мажлисларда докладлар билан фақатгина партия комитетлари секретарларигина эмас, корхона директорлари, колхоз раислари, айрим ҳолларда эса мутахассислар, партия комитетларининг аъзолари ҳам докладлар қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам юқорида эслатиб ўтилган ташкилотларда мажлислар коммунистларнинг катта активлиги билан қизиқарли ўтаётганлиги коллектив ҳаётида сезиларли из қолдираётганлиги ажабланарли эмас.

Шундай қилиб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш юзасидан бизнинг область партия ташкилотида нимаики қилинган бўлса, бу тадбирлар бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига самарали таъсир қилмоқда. Уларнинг хўжалик-сиёсий масалаларни ҳал қилишдаги роли муттасил ортиб бораётир.

— Лекин шу билан бирга, — деб қайд қилди ўртоқ Мусахонов, — бизнинг ҳар биримиз шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, коммунистик қурилишнинг ўсиб бораётган талаблари, совет кишисини тарбиялаш вазифалари, олдимизда турган катта халқ хўжалиги вазифалари бошланғич партия ташкилотлари ролини бундан буён янада кучайтиришни талаб этади. Биз бошланғич партия ташкилотлари ишидаги ҳар бир камчиликни дарҳол пайқаб олишимиз ва уни тугатишимиз керак.

Шуни ҳам олиб кераккн, областдаги бир қатор шаҳар ва район партия комитетлари ва кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ҳали ҳам КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарорини ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети VII пленумининг ана шу масала юзасидан қабул қилган қарорини қониқарсиз бажармоқдалар. Улар партия мажлисларини ўтказиш практикасида йўл қўйиб келинган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур ишларни амалга оширмаётирлар.

Айрим шаҳар ва район партия комитетлари бу муҳим ҳужжатнинг муҳокама қилинишига етарлича масъулият билан муносабатда бўлмадилар, қарорни муҳокама қилишнинг боришини яхши назорат қилмадилар. Кўпгина партия ташкилотларида коммунистларга қарорни кенг тушунтириш ўрнига уни шошмашошарлик билан ўқиб берилди. Бирор киши ўз партия ташкилотида партия мажлиси ўтказиш практикаси ҳақида сўзга чиқмади, конкрет қарор қабул қилинмади. Ҳозир ҳам бу ерда партия мажлисини ўтказиш практикаси эскича аҳволда эканлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Ўтган йилнинг сакқиз ойи давомида Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтининг гидротехника қурилиши ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш факультетлари партия ташкилотларида партия мажлиси, ўтказилмади. Худди шунингдек, институтнинг ер қурилиши ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетлари партия ташкилотларида 6 ой давомида бирорта партия мажлиси ўтказилмади. КПСС Марказий Комитетининг қарори бу партия ташкилотларида катта кечикиш билан, март ойида муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг шу йилнинг февраль ойида ўтказилган пленумида «Подъемник» заводи партия ташкилоти хўжалик масалаларини ҳал қилишдаги принципсизлиги учун, шунингдек кейинги йилларда партия мажлисларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинмаганлиги учун қаттиқ танқид қилинган эди. Баҳоланки, завод 1969 йилда ёмон ишлади. Бу ерда меҳнат унумдорлигининг ошиши суст бўлди. Партия мажлисларида ўтказишда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйиб келинган. Лекин, шунга қарамай КПСС Марказий Комитетининг ана шу масала юзасидан чиқарган қарори бу ерда жуда кечикиб, 21 апрелда муҳокама қилинди.

Октябрь ва Фрунзе районларида бошланғич партия ташкилотларининг 15 процентга яқин мажлиси, Киров районида 10 процентга яқин, Янгийўл районида 1970 йилнинг январь ва февраль ойида партия ташкилотларида 12—13 процент партия мажлиси чақириш муддатларида ўтказилмаган. Мажлисларни чақириш муддатларини бундай бузиш процента цех партия ташкилотларида яна ҳам юқори.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVII пленумида областимиздаги бир қатор партия ташкилотлари иши қаттиқ танқид қилинди. Гап шундаки, бу партия ташкилотлари партия мажлиси ўрнига кўп ҳолларда кенгайтирилган комитет актив йиғилишларн ва кенгашлар ўтказганлар. Шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида ҳам бу ҳақда гапириб ўтилди. Партия ташкилотлари бу танқиддан тўғри хулоса чиқариб, партия мажлиси ролини ошириш учун ҳамма чораларни кўришлари керак эди. Бироқ, айрим жойларда ҳали ҳам шундай қилинмоқда. Партия мажлисларида муҳим ҳаётий масалалар муҳокама қилинмайди, тармоқ мажлислари ўтказиш билангина чегараланиб қолинади. Тармоқ мажлисларини ўтказиш керак, лекин, шу билан бирга ҳар бир партия ташкилотида планли партия йиғилишларини ўтказишни ҳам унутмаслик зарур. Бундай мажлисларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни ўз вақтида ўтказиш керак.

Докладчи шуни қайд қилиб ўтдики, айрим партия ташкилотларида мажлисга тайёргарлик кўриш ҳали ҳам эски усулдалигича қолиб келмоқда. Мажлисни тор доирадаги партия активлари тайёрлайдилар. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга кенг актив жалб этилмайди. Оддий коммунистларнинг фикр-мулоҳазалари тўла ҳисобга олинмайди. Очиқ партия мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлаш ва муҳокама этишга партиясиз ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва комсомоллар жуда кам ҳолларда жалб этилади. Иккинчи томондан, бир қатор партия ташкилотларида масалалар фақатгина очиқ партия йиғилишларида муҳокама қилинаётганлиги, ёпиқ партия мажлислари деярли ўтказилмаётганлиги ҳам нотўғридир.

Партия ташкилоти ҳисобидаги барча коммунистлар мажлисга ишгирок этгандагина мажлиснинг ролини ошириш мумкин. Айрим партия ташкилотларининг секретарлари буни унутиб қўймоқдалар. Натижада бир қатор партия ташкилотларида коммунистларнинг хоз давлат планини бажармади. Турар жойлар, мактаб, медицина ва болалар муассасалари қуриш планлари ҳам бажарилмади. Савдо ва жамоат овқатланиш корхоналари ҳали ҳам ёмон ишламоқда. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида 32 корхона саноат маҳсулотни реализация қилиш планини бажармади. 50 корхонада маҳсулот таннархини пландагига нисбатан 2,9 миллион сўм ортиб кетишига йўл қўйилди. 64 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган планни бажаролмади.

Шаҳар, район партия комитетларининг вазифаси ҳар бир корхона, колхоз ва совхознинг ишини назорат қилиб боришдан иборатдир. Токи улар давлат планларини бажариш имкониятига эга бўлсинлар.

1968 йилдан бошлаб саноатнинг айрим тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш суръати пасая бошлади. Бунинг сабабларидан бири шуки, корхона раҳбарлари, партия ташкилотлари яхши ташкилотчилик ишларини олиб бормаётирлар. Улар резервлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва унумли фойдаланишни таъминламаётирлар. Янги техникани ва прогрессив технологияни жорий қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш суст бормоқда.

Кўпгина партия ташкилотлари меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш учун астойдил иш олиб бормаётирлар. Саноат маҳсулотни ишлаб чиқариш давлат планларининг ўсиши ва бажарилиши бевосита қурилиш ташкилотларининг ишига, улар томонидан капитал қурилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишланларининг қандай бажарилишига боғлиқдир. Бу соҳада ҳам жиддий камчиликлар бор. 1969 йилда капитал маблағ сарфлаш ҳажми 96 процент, асосий фондларни ишга туширш плани 59,1 процент бажарилди. Беш йилликнинг сўнгги йилининг ўтган тўрт ойи давомида ҳам бу кўрсаткич анча орқада қолди. Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларн пудратчилар ва буюртмачилар иши устидан доимий назорат ўрнатишлари керак. Қурилиш ташкилотларида партиявий-оммавий, тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиш зарур.

Областда 62 процент корхона планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси асосида иш олиб бормоқда. Улар ялпи маҳсулотнинг 87 процентини, даромаднинг эса 87 процентини берадилар. Область бўйича давлат планининг бажарилиши ҳам бевосита ана шу корхоналар ишига боғлиқ. Ачинарлиси шундаки, уларнинг ишида ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Айрим корхоналар давлат планларини бажармайдилар, бир меёрда ишламайдн. Штурмчиликка йўл қўйиладн. Кўплаб маҳсулотлар бракка чиқариб юборилади. Маҳсулотлар сифати кўнгилдагидек бўлмайди. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси партия ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлиши керак.

Биз бир неча йиллардан буён қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турлари, айниқса пахта етиштириш планларини бажариш юзасидан бир жойда депсиб келмоқдамиз. Чорвачилик, сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш эса камайиб бормоқда. Меҳнатни нотўғри ташкил қилиш ҳолларига тўла барҳам берилгани йўқ. Янги ерларни ўзлаштирш суст бормоқда. Шунинг учун ҳам сугориладиган ерларни кенгайтириш соҳасида кўзгилдагидек натижага эришилмаётир. Айрим районларда эса ҳатто сугориладиган ерларнинг камайиб кетишига йўл қўйилмоқда.

Янги ерларни ўзлаштириш плани узлуксиз бажарилмай келаётгани устига бир қатор районларда сугориладиган ерларнинг талоторож қилинишига йўл қўйилмоқда.

Шаҳар ва район партия комитетлари корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг хўжалик фаолиятлари устидан назорат ўрнатар экалар, уларнинг экономикасига чуқур кириб боришлари керак. Партия ташкилотлари билан ҳамкорликда айниқса, қолоқ хўжаликларда аҳволни яхшилаш, уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини юксалтиришни таъминлаш чораларини кўришлари зарур. Иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун кураШни сира бўшаштирмасликлари лозим. Бу соҳадаги ишларнинг натижасини кузатиб бориш, социалистик мусобақани намунали ташкил этиш керак.

Бу масалалар партия ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлиши, партия мажлисларида муҳокама этилиши ва муҳокама қилинган масалалар бўйича конкрет қарорлар қабул қилиниб, бу қарорларнинг бажарилиши учун астойдил иш олиб борилиши талаб этилади.

Партия мажлисларини ўтказиш практикасидаги камчиликлар аввало шундан иборатки, дейди докладчи, область ва район партия комитетлари ҳали ҳам бу масалага катта эътибор бермаётирлар. Шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотларининг коммунистлар йиғилишларини чақириш практикасини ўрганиб, умумлаштириш билан етарли шуғулланмаётирлар. Бу масалалар комитет мажлисларида ахён-ахёнда муҳокама қилинади.

Бизнинг газеталаримиз редакциялари ҳам партия ташкилотларининг ички партиявий ҳаётий масалалари, партия мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишга оид қизиқарли материалларни кўпроқ бериб боришларини истардик.

Шаҳар, район партия комитетлари ва область партия ташкилотлари ўзларининг амалий фаолиятларида КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисидаги» қарорига доимо амал қилишлари керак. Бу вақтинчалик кампания эмас. Бу қарор партия ташкилотларининг узоқ даврга мўлжалланган ҳаракат программасидир, бу ишимизнинг доимий ва бош масаласидир.

Юбилей йилида область меҳнаткашлари олдида халқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш юзасидан катта ва мураккаб ишларни бажариш вазифаси турибди. Биз бу вазифаларни бажаришда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан вужудга келган халқимизнинг юксак гайратидан, КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан Мурожаати тўфайли юз берган катта меҳнат кўтаринкилиги руҳидан фойдаланишимиз керак.

Партия мажлисларини ўтказиш практикасидаги камчиликлар аввало шундан иборатки, дейди докладчи, область ва район партия комитетлари ҳали ҳам бу масалага катта эътибор бермаётирлар. Шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотларининг коммунистлар йиғилишларини чақириш практикасини ўрганиб, умумлаштириш билан етарли шуғулланмаётирлар. Бу масалалар комитет мажлисларида ахён-ахёнда муҳокама қилинади.

Бизнинг газеталаримиз редакциялари ҳам партия ташкилотларининг ички партиявий ҳаётий масалалари, партия мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишга оид қизиқарли материалларни кўпроқ бериб боришларини истардик.

Шаҳар, район партия комитетлари ва область партия ташкилотлари ўзларининг амалий фаолиятларида КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарорига доимо амал қилишлари керак. Бу вақтинчалик кампания эмас. Бу қарор партия ташкилотларининг узоқ даврга мўлжалланган ҳаракат программасидир, бу ишимизнинг доимий ва бош масаласидир.

Юбилей йилида область меҳнаткашлари олдида халқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш юзасидан катта ва мураккаб ишларни бажариш вазифаси турибди. Биз бу вазифаларни бажаришда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан вужудга келган халқимизнинг юксак гайратидан, КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан Мурожаати тўфайли юз берган катта меҳнат кўтаринкилиги руҳидан фойдаланишимиз керак.

Областимиз партия ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети раҳбарлигида халқ хўжалигини юксалтириш ва ўз ишининг жанговарлигини ошириш. Коммунистик партия томонидан қўйилган барча вазифаларни муваффақиятли бажаришни таъминлаш соҳасида янги муваффақиятларни қўлга киритадилар. деб ишонч билдиришга руҳсат бергайсизлар.

Докладдан сўнг музокоралар бошланди. Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари **О. Соқиев** сўз олади.

— Районимиздаги кўпгина партия ташкилотларида, — дейди у, — партия мажлислари КПСС Уставида талаб қилинганидек ўз вақтида ўтказиб турилади. Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларида партия мажлисларининг ўтказилишини қатъий назорат қилиб боради. Кун тартибида кўриладиган масалалар, уларнинг актуаллиги ва таъсирчанлигини таҳлил қилиб борамиз.

Яқинда район партия комитети «Партия комитетларининг цех ташкилотлари ва партия группаларига раҳбарлик» масаласини кўриб чиқди. Маълум бўлдики, барча партия группаларида ҳам мажлисларга яхши тайёргарлик кўрилмас экан. Айрим цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг раҳбарлари партиявий ишда яхши кўникмага эга эмаслар. Район партия комитети бевосита корхоналарнинг ўзида цех партия ташкилотлари секретарлари ва партия группаларининг раҳбарлари учун семинарлар ўтказишга қарор қилди. Бу ижобий натижалар берди.

Райондаги мавжуд 264 бошланғич партия ташкилотидан 126 таси қамсонли ҳисобланади. Афсуски, дейди нотиқ, илгарилари райком ходимлари кўпинча йирик партия ташкилотларининг фаолиятидан хабардор бўлардилар-у, кам сонли партия ташкилотлари иши билан етарли шуғулланмасдилар. Эндиликда бу нуқсонлар тугатилмоқда.

Минбарда В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи 31-цехи партия ташкилотининг секретари **М. М. Муҳамедов.** У КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарори цех партия ташкилотлари ва партия групаларининг мажлисида муҳокама қилинганлигини айтади. Барча коммунистлар, дейди у, — мажлисни тайёрлашда актив иштирок этдилар. Бир қатор қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

Бу партия ташкилотининг перспектив иш планида коммунистлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топган дир. Хусусан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Партия бюроси бу масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб комиссия тузди. Комиссия составида инженер ва техниклар, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранлари бор.

Партия мажлиси қарори конкрет ва аниқ бир мақсадга қаратилгандир. Партия бюроси бу қарор ҳар бир пунктининг бажарилишини назорат қилиб боради.

Шундан сўнг Ўрта Чирчиқ райондаги Тошгент от заводи партия ташкилоти секретарининг ўринбосари **С. Р. Медешев** сўзга чиқади. КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарори, — дейди у, — катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳужжат бизнинг партия ташкилотимизга партия мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишнинг боришини чуқур таҳлил қилишимизга ёрдам берди.

Ўзбекистон ЛКСМ область комитетининг биринчи секретари **О. Исҳоқов** ўз сўзини комсомолга партия раҳбарлигининг ролини оширишга бағишлади. Кўпгина комсомол мажлисларига хос бўлган хусусият, деди у, — ишчанлик ва ташкилотчилиқдир. Комсомол мажлислари ўзаро талабчанлик, эркин фикр алмашиш ва танқидий руҳда ўтмоқда. Комсомол ташкилотларининг ҳаётида оид актуал масалалар муҳокама қилинаётир. Комсомоллар ва ёшлар ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида намуна кўрсатмоқдалар. Жумладан тўқимачилик комбинатининг ёш ишчилари «Ўз ишининг энг яхши устаси» конкурсини ўтказишга қарор қилдилар. Бу конкурс меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик имкониятларини аниқлашга ёрдам берди.

Янгийўл районидаги Энгельс номли колхозининг Т. Суханов бошлиқ комсомол ёшлар звеноси КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида иқтисод режимини кучайтириш ҳақида»ги ҳатини муҳокама қилиб, янги мажбуриятлар олдилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб 50 гектар ўрнига 100 гектар ердан мўл ҳосил етиштиришга қарор қилдилар.

Афсуски, комсомол мажлислари ҳамма ерда ҳам ўз вақтида ўтказилмайди. Мажлис қарорларининг қандай бажарилаётганлиги назорат қилинмайди. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги кўп жиҳатдан бу ташкилотга ким раҳбарлик қилаётганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам область, шаҳар ва район комсомол комитетлари комсомол раҳбар кадрларини танлаш масаласига катта эътибор бермоқда. Кўпгина комсомол ташкилотларига коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар Бироқ барча партия комитетлари ва партия бюролари ҳам комсомолга партия раҳбарлигини яхшилаш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилаптилар, деб айта олмаймиз. Бошланғич комсомол ташкилотлари секретарлари ҳам корхона ва муассасалар партия комитетларининг номенклатурасига киритилса яхши бўларди.

В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати қўрғошин-рух бойитиш фабрикаси катта фильтрловчиси **Е. П. Сичевага** сўз берилади.

— Бизнинг партия ташкилотимиз, — дейди у, — партия мажлисларида коллективни қизиқтиradиган ва ҳаяжонлантирадиган масалаларни муҳокама қилишга ҳаракат қилмоқда. Перспектив план асосида иш олиб борилаётганлиги мажлисларда кўриладиган энг муҳим масалаларни олдиндан белгилаб қўйиш имконини бермоқда Мажлисга тайёргарлик кўриш масаласига алоҳида эътибор берилади.

Бизда бунинг учун 8-10 коммунистдан иборат маҳсус комиссия тузилган. Унинг составида оддий коммунистлар ҳам бор.

Калинин район партия комитетининг иккинчи секретари **И. Я. Деревянко** ҳам бошланғич партия ташкилотларида партия мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш соҳасидаги тажрибалар ҳақида гапирди. Район партия комитетининг ташкилий бўлими ҳар бир бошланғич партия ташкилотида партия мажлисларининг ўтказилишини назорат қилиб, коммунистлардан кимлар сўзга чиқаётгандиги ҳисобга олиб борилади.

Район партия ташкилоти структураси бирмунча яхшиланди. Куйбишев номли, Ленин номли, «Партия XX съезди» колхозларида ва «Дамачи» совхозида партия комитетлари тузилди. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари сони сезиларли даражада ўсди. Деярли кўпчилик партия ташкилотлари перспектив план асосида иш олиб бормоқдалар.

Камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айрим партия мажлисларида қабул қилинган қарорлар конкрет характерга эга эмас. Кўпгина коммунистлар мажлисларда сўзга чиқмайдилар. Ҳозирги кунда район партия комитети ана шу сингари нуқсонларни тугатиш тадбирларини кўрмоқда.

— Партия мажлиси, — коллектив раҳбарлик органи, коммунистларни сиёсий тарбиялаш мактаби, деди ўз сўзида Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси партия комитетининг секретаря **Т. Ахроров,** — кейинги вақтларда партия мажлисларида коммунистларнинг активлиги бирмунча ортди, партия комитети катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда Биз цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг партия мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасидаги тажрибаларини умумлаштирдик.

Партия комитети кун тартибида қандай масала қўйилишига қараб, партия мажлисини тайёрлашда иштирок этадиган коммунистлар сонини белгилайди. Нотиқ жиддий камчиликлар ҳақида ҳам гапириб ўтди. Партия ташкилоти ишга кечикиб келиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳолларини тугатиш учун ҳали ҳам барча тадбирларни кўраётгани йўқ.

Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари **К. Т. Когай** пленум қатнашчиларига партия мажлисларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тажрибаси ҳақида муфассал гапириб берди.

Пленумда Ўзбекистон КП область комитетининг иккинчи секретари **Б. М. Истомин** область партия комитети VIII пленумининг «КПСС Марказий Комитети декабрь (1969 йил) Пленуми. колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисидаги қарорини бажаришнинг боришн ҳақида ахборот берди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди. **П. В. Костриков** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Пленум **З. Х. Ҳўжаевни** область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. Г. Ломоносов** иштирок этди.

СОХТА РЕВОЛЮЦИОНЕРЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАШАРАСИ

В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги меҳнат аҳлларининг жаҳоншумил байрами бўлди. Бу юз йиллик Ленин ишининг тантана қилганлигини, Ленин ғоялари ва васиятларининг ҳаётий кучини яққол кўрсатувчи намойишга айланди. Асримизда қилинган тарихий зўр ишларнинг ҳаммаси—Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва СССР да социализм қурилганлиги, жаҳон социализм системаси вужудга келтирилганлиги ва мустаҳкамланганлиги, капитал мамлакатларида халқаро ишчилар ҳаракати юксалиб бораётганлиги мустамлакачилик емирилиб, мазлум миллатлар озод қилинганлиги Ленин номи билан унинг зафарли таълимоти билан боғланган.

Жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги Ленин юбилейини кенг нишонлади. Жаҳон революцияси йўлбошчиси туғилган куннинг 100 йиллигини байрам қилиш коммунистик ва ишчи партиялар учун, империализмга қарши курашаётганларнинг ҳаммаси учун бутун ғоявий ва сиёсий ишларини кучайтириб юборган қудратли восита бўлди. Қардош партиялар коммунистик ҳаракат бирлиги учун, барча антиимпериалистик кучларнинг жипслиги учун курашни кучайтириб юбордилар.

Бутун дунёдаги революцион курашчиларнинг онги ва қалбида Ленин номи унинг васиятларини ҳар доим сақлаб келаётган, унинг ишларини бевосита давом эттираётган, унинг ўзи бунёд қилган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан, Ленин тарбиялаб етиштирган биринчи социалистик давлат билан чамбарчас боғланган. Жаҳон революцион жараёнида КПССнинг жуда катта ролини эътироф қилиш, ҳормай-толмай қаҳрамонона кураш олиб бораётганлиги учун, пролетар интернационализми принципларига содиқлиги учун барча революцион озодлик ҳаракатларига бериб келаётган беғараз ёрдами учун Ленин партиясига ташаккур изҳор қилиш жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида Ленинга бағишлаб ўтказилган тантаналарнинг асосий мазмуни бўлди.

Социализм одамларнинг онги ва қалби учун жаҳон миқёсида олиб борилаётган жангда янги ютуқларни қўлга киритди. У инсониятга империализмдан қутилиш йўлларини кўрсатиб берди ҳамда ўзининг иқтисодий ва социал-сиёсий тузумининг афзалликларини тобора тўлиқроқ очиб бермоқда. Социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги шундай кучга айландики, эндиликда ҳозирги замоннинг энг зўр проблемаларидан биронтасини ҳам шу кучнинг иштирокисиз ва унинг раъйига қарамай ҳал қилиб бўлмайди. Социализм мамлакатларининг бирлашган кучи ва уларнинг тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги актив сиёсати империалистларнинг агрессив интилишлари йўлида тўсиқ бўлиб турибди, жаҳон ракета-ядро урушининг бошланишига йўл қўймайдиган метин ғов яратмоқда.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги байрам қилинганлиги коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашида ўзини кўрсатган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган тенденцияни—планетамиздаги барча революцион, прогрессив кучларнинг ҳаракатларини бирлаштириш тенденциясини ёрқин акс эттирди, уларнинг ғоявий қуролланиш даражасини янги босқичга кўтарди. Ҳозирги замоннинг уч буюк кучини: жаҳон социалистик системасини, халқаро ишчилар синфини ва миллий озодлик ҳаракатини бирлаштирувчи жаҳон революцион жараёнини юксалтирувчи янги зўр восита бўлди.

I

Умри тугаб бораётган капиталистик дунё хўжайинлари Ленин ватани қилган тарихий ишларни, қардош социалистик мамлакатларни, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини, миллий озодликка эришиш йўлида курашувчиларни қоралашга, камситишга интилиб, ёлғончилик ва тухматчиликни ишга солаберадилар-ки, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Социализмга, КПСС ва Совет давлати сиёсатига бўхтонлар ёғдириш янгилик эмас.

Совет кишилари, барча, тараққийпарвар инсоният империализмнинг социализмга қарши чиқиши замирида қандай сабаблар ётганлигини яхши билади. Биз ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери бу тухматларни эшитиб келмоқдамиз. Аммо, бошқа бир нарса—жаҳон халқлари Ленин юбилейини тантанали нишонлаётган кунларда Пекин раҳбарлари империализмнинг антисовет, антикоммунистик кампаниясига жўровоз бўлганликлари эътиборни жалб қилаяпти. Пекиндаги раҳбарлар Совет Иттифоқига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига, жаҳоннинг коммунистик ва ишчи партияларига душманликни, ва нафратни авж олдиришнинг янги даврасини В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тўғрилаб туриб, кучайтириб юбордилар.

Социалистик индустрияни, қишлоқ хўжалигини, фан ва техникани ривожлантиришда СССР қўлга киритган ютуқларни, халқ оммасининг фаровонлиги ва маданияти тўхтовсиз юксалиб бораётганлигини, Совет Иттифоқининг мудофаа қувватини мустаҳкамланиб бораётганлигини, коммунизмнинг моддий-техника базасини қуриш, жаҳон социализми позициясини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб социалистик ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш борасида партиямиз қўйган вазифаларни Мао Цзе-дун ва унинг атрофидагиларнинг кўргани кўзи йўқ. Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг илҳомбахш намунасини обрўсизлантиришга интилиб Пекин пропагандаси ақл бовар қилмайдиган уйдирма ва бўҳтонларни, ҳақорат ва туҳматларни ишга солмоқда.

Пекиндагилар империалистлар пропагандасига эргашиб, СССР «тажовузкор» деган, совет экономикаси «кризис»га учради деган уйдирмаларни такрорламоқдалар, троцкийчиларнинг «Совет ҳокимияти айнаб буржуалашмоқда» деган сийқа фикрларини яна кўтариб чиқмоқдалар, АҚШ империализми билан Совет Иттифоқини тенглаштириб, унга «социал-империализм» тамғасини ёпиштирмоқдалар. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг муносабатларига асос қилиб олинган социалистик интернационализм принципларининг обрўсини тўкишга Пекиндагилар зўр бериб уринмоқдалар, бу ҳамдўстликни умуман «йўқ» деб эълон қилмоқдалар. Улар бундай тухматлар қилишда шу даражага бориб етдиларки, гитлерчиларнинг халқларни «славянлар тахликасидан қутқариш» зарур деган валдирашларини қайта-қайта такрорлаб ва фашистлар рейхи бошлиқларига эргашиб, Совет Иттифоқини «нимжон давлат» деб кўрсатишга уринмоқдалар, Совет Иттифоқи бамисоли «қоғоз йўлбарс» деб такрорламоқдалар, «уни бир урушда тилка-пора қилиб ташлаймиз» деб дўқ қилмоқдалар.

«Жэньминь жибао», «Хунци», «Цзефанцзюньбао» апрель ойида босилиб чиққан, қатор мақолалар, шунингдек 1 майга бағишланган мақола ана шундай куракда турмайдиган валдирашлар уюмидан иборат бўлди.

Бу мақолалар шуни кўрсатиб турибдики, империалистик пропаганда учун характерли бўлиб қолган ва тобора ҳаддидан ошаётган сиёсий ва мафкуравий иғвогарликлар қилабериш Пекиндагиларга одат бўлиб қолибди.

Хитой раҳбарларининг халқаро майдондаги ҳаракатлари, Хитой революциясининг тақдири коммунистларни, тинчлик ва тараққиёт манфаатларини қадрловчиларни чуқур ҳаяжонга солмоқда.

Кейинги вақтда Хитойда бўлаётган воқеалар, Хитой Компартияси IX съездида қабул қилинган қарорларнинг характери жаҳондаги бутун вазиятга ва антиимпериалист кучлар курашининг шарт-шароитига салбий таъсир ўтказаётганлиги коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йил июнь ойидаги халқаро кенгашида қайд этиб ўтилган эди. Хитой Компартиясининг ҳозирги раҳбарлари халқ манфаатларига, ленинизмга зид сиёсат ўтказиб келмоқда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши қўпорувчилик ишларини олиб бормоқда, антиимпериалистик кучлар сафларини бузишга интилмоқда. Пекиндаги раҳбарлар коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашини нуқул «қора йиғин» деб атайдиган бўлиб қолишди. Аммо, хитой раҳбарларининг ана шу ҳозирги ҳаракатлари марксчи-ленинчи партияларнинг, Хитой раҳбарлари жаҳон социалистик системасига қарши, халқаро коммунистик ҳаракатга қарши, бутун дунёдаги революцион курашчиларга қарши фронт очдилар, деган хулосалари ғоятда асосли эканлигини кўрсатиб турибди.

Мана шу фактларнинг ҳаммаси Пекиннинг халқаро майдондаги ҳаракатларига нисбатан хушёрликни оширишни, Мао раҳбарлиги Хитойни қаёққа олиб бораётганлигини синчиклаб кузатиб туришни талаб қилади.

Пекин раҳбарларининг бутун ички ва ташқи сиёсат йўлини буюк давлатчилик-гегемончилик интилишлари белгилаб бермоқда. Мана шу интилишларни кўзлаб, Хитой авантюристик экспериментлар майдонига айлантирилди, бунинг бутун оғирлиги эса халқ устига юкланди.

Хитой Халқ Республикаси сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кескин кризисни бошдан кечирмоқда. Коммунистик партия тор-мор келтирилди. Халқ ҳокимиятининг конституцион органлари, касаба союзлари, комсомол, бошқа демократик ташкилотлар ва зиёлиларнинг ижодий союзлари тарқатиб юборилди. Мао ва унинг атрофидагилар фақат Коммунистик партия деган номнигина сақлаб қолиб, ҳозир бутунлай янги сиёсий ташкилот тузмоқдалар, бу ташкилотни мамлакатда ўрнатилаётган ҳарбий бюрократик диктатура системасининг воситасига айлантирмоқдалар.

Хитойдаги ҳокимият органлари чанкайшичилардан мерос бўлиб қолган милитаристик системадан ўрнак олиб тузилмоқда. Бутун ҳокимият Мао томонидан қўйилган ҳарбийлар қўлига бериб қўйилди, улар ревкомлар деб аталган органларда корчалонлик қилмоқдалар. Ҳарбий округларнинг, армиялар ва гарнизонларнинг қўмондонлари вилоятларда танҳо хўжайинлик қилмоқдалар. Улар «ревкомлар»га бошлиқ бўлиб олиб, партия ташкилотларини «тартибга солиш» ишига раҳбарлик қилмоқдалар. Армия бўлинмалари корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларига жойлаштириб қўйилди. Заводлардаги цехлар ва бригадалар роталарга ва бўлинмаларга айлантирилди. Давлат муассасаларида ва ўқув юртларида ҳам мана шундай милитаристик система жорий қилинмоқда. Экономикани ва маданиятни армия контроль қилиб турибди.

Армия бошлиқлари берган буйруқларни ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, ўқувчилар қулоқ қоқмай бажаришга мажбур. Ҳозир Хитойда жамиятга шу тарзда раҳбарлик қилинмоқда, хитойларнинг ҳаммаси «итоатли ҳўкизлар» бўлиши лозим, «асло зангламайдиган винтлар» бўлиши, «Маонинг яхши солдатлари» бўлиши лозим, деган кўрсатма мана шу тарзда амалга оширилмоқда. Хитой халқини казармаларга тиқиб қўймоқдалар, билим олишдан, маданиятдан маҳрум қилмоқдалар, зеро Мао Цзэ—дуннинг айтишича, «одам қанчалик кўп ўқиса, шу қадар эсдан озаверади». Кейинги тўрт йил ичида мамлакатда битта ҳам бадиий асар нашр этилгани йўқ, битта ҳам бадиий кинофильм чиқарилгани йўқ, музейлар ва кутубхоналар ёпиб қўйилган. Аммо Мао айтган гаплар тўпланган китобчалар ва унинг бошқа «асарлар»и 3 миллиард нусхада нашр этилди.

Мактаб ёшидаги 70 миллиондан кўпроқ бола кейинги йилларда нормал ўқиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйилди. Мамлакат миллионлаб мутахассислар олиш имкониятидан маҳрум бўлди, чунки олий ўқув юртларида ўқишлар тўхтаб қолди. Маонинг «мактаблар ҳамиша қўланса, зарарли ҳид чиқарадиган кичкина соғана ва қурт босиб кетган ҳовузлардир» деган тезиси шу тариқа амалга оширилмоқда. Мао шу тезисни ривожлантириб, 1964 йилда бундай деган эди: «Ўқитиладиган фанларнинг ярмисини қисқартиш мумкин. Конфуций фақат олти хил санъатни, яъни маросимларни, музикани, камон отишни, арава ҳайдашни, муқаддас китобларни ва арифметикани ўргатар эди... Агар кўп ўқийверсанг император бўла олмайсан... ҳозир шунақа бўлиб қолганки, биринчидан ўқитиладиган нарсалар кўпайиб кетди, иккинчидан китоблар кўпайиб кетди».

Аҳвол шундай бўлатуриб Пекин раҳбарлари ўзларини ҳозирги дунёда раҳбарлик ролини ўйнаётган кишилар қилиб кўрсатмоқдалар.

Ҳозир Хитойда ўрнатилаётган тартиб казарма ва нодонликдан, ҳуқуқсизлик ва хушомадгўйликдан иборат бўлиб қолди. Энди бу тартибни бошқа халқларга қабул қилдирмоқчилар, «ер куррасига Мао Цзэ—дун ғоялари байроғини» ўрнатмоқчилар.

«Мао Цзе-Дун ғояларини» амалга ошириш экономика соҳасида ҳам оғир оқибатларга олиб келди. Социализмнинг объектив қонунларидан фойдаланиш асосида экономикани планли профессионал равишда ривожлантириш ўрнига Мао ва унинг тарафдорлари халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ленинча принципларини улоқтириб ташлаб ва бу принципларни вальюнтаризм билан алмаштириб мамлакатни «катта сакрашлар», ҳарбийлаштириш йўлига солиб юбордилар. Бу эса саноатни ва қишлоқ хўжаликни жуда чуқур ва узоқ давом этадиган бузғунлик ботқоғига ботириб қўйди.

Кейинги ўн йил ичида Хитой Халқ Республикасининг экономикаси 1957 йилдаёқ эришилган даражадан икки марта пастга улоқтирилди. Хитойда фақат биринчи беш йилликкина муваффақиятли бажарилди. Чунки ўша вақтда Хитой Компартияси мамлакат экономикасини ривожлантиришга социализмнинг объектив қонунларига асосланиб, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тажриба ва ёрдамидан фойдаланиб, улар бериб турган ҳар томонлама мададга таяниб раҳбарлик қилган эди. Ўша вақтда Хитой Халқ Республикаси ривожланиш суръатлари жиҳатидан жаҳондаги олдинги ўринлардан бирига чиқиб олган эди. Лекин иккинчи беш йилликни «катта сакраш», учинчи беш йилликни эса «маданий революция» барбод қилди. Натижада саноат ишлаб чиқариши иккинчи ва учинчи беш йиллик планларда мўлжалланган кўрсаткичларга эриша олмади. Саноат ишлаб чиқариши 1959 йилги даражада қолиб кетди.

Хитой маълумотларига қараганда 1959 йилда Хитой Халқ Республикасида 41,5 миллиард киловатт-соат электр энергия, 348 миллион тонна кўмир, 3,7 миллион тонна нефть, 18,4 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилган эди. Бултур Хитой Халқ Республикасида 60—65 миллиард киловатт-соат электр энергия, 210—225 миллион тонна кўмир, 12—13 миллион тонна нефть, 12—13 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилди. Дон етиштириш 1957 йилги даражада қолаверди ва 185—190 миллион тоннани ташкил этди. Пахтанинг ялпи ҳосили эса 1,6 миллион тоннадан ошмади.

Шуни назарда тутиш кераки, Пекиннинг маълумотларига қараганда, Хитой Халқ Республикасида аҳоли йилига 10 миллион нафар чамаси кўпаймоқда. Шундай қилиб, кейинги ўн йил ичида Хитой Халқ Республикасида саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпгина муҳим турларини ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига ҳисоблаганда кўпайиш ўрнига, камайиб кетди. Асосий озиқ-овқат ва саноат моллари билан аҳоли қатъий карточка системаси асосида таъминланмоқда.

Хитойдаги ҳарбий—казарма режимини Пекин пропагандаси ялпи тенглик ҳукмронлик қилаётган режим, деб тасвирлаётган бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда бу режим социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига карикатура бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтларда Пекиндагилар экономикани боши берк кўчадан олиб чиқишга уринмоқдалар, аҳволни тузатиш учун ошиғич чоралар кўрмоқдалар. «Маданий революция»нинг ишлаб чиқариш соҳасидаги баъзи салбий оқибатлари, айниқса экономикани бошқариш соҳасидаги тартибсизлик ва бебошликлари йўқотилмоқда. Лекин Пекин раҳбарлари бу вазифани, аввало, ҳарбий-маъмурий, зўрлик методлари билан ҳал этишга интилмоқдалар. Шу билан бирга меҳнаткашларнинг моддий аҳволи яхшиланмаётир. Аксинча ишчиларнинг иш ҳақи кейинги тўрт йил ичида камида 10—15 процент пасайиб кетди. Иш кунининг муддати узайтирилди.

Хитойдаги турмуш қийинчиликларини баттарлаштираётган яна бир нарса шуки, Пекиннинг ҳозирги маъмурлари ўзларининг асосий куч ва ғайратларини мамлакатни ҳарбийлаштиришга қаратмоқдалар. Хитой Халқ Республикаси бюджетининг 40 процентдан кўпроғи ҳарбий харажатларга сарфланмоқда. Аввало уй-жой қурилишини бутунлай деярлик тўхтатиб қўйиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялашга ва деҳқонлар меҳнатини енгиллаштиришга, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва маданиятга берилаётган маблағларни камайтириш йўли билан шундай қилинмоқда.

Хитой Халқ Республикасининг экономикаси ҳақиқатда икки қисмга бўлиб қўйилган. Унинг бир қисми ҳарбий ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларнинг тор группасини ўз ичига олади. Бутун эътибор экономиканинг мана шу қисмига берилмоқда. «Маданий революция» методлари экономиканинг бу қисмини ағдар-тўнтар қилгани йўқ. Экономиканинг иккинчи қисми граждан ишлаб чиқариш тармоқларини ўз ичига олади. Экономиканинг бу тармоқларидан «ўз кучига таянишни», давлат томонидан маблағ берилишига умидвор бўлмасликни талаб қилмоқдалар.

Экономика зўр бериб ҳарбийлаштирилаётганлиги Хитойнинг бутун иқтисодий ва социал тараққиётини бир ёқлама қингир йўлга солиб юбормоқда.

Пекин раҳбарлари социалистик индустрлаштиришнинг моҳиятини бузиб юбордилар. Уларнинг майда корхоналар қуришга эътиборни қаратиш керак, деган кўрсатмалари қолоқликни абадийлаштиришга қаратилган кўрсатмадир. Бу йўлнинг социал оқибатлари ҳам жуда салбий бўлди: уюшган ишчилар синфининг ўсишини тўхтатиб қўйди.

Бундай шароитда Пекин пропагандаси мамлакатда зўрлик билан ўтказилаётган иқтисодий йўлнинг тахликали оқибатларидан аҳолининг эътиборини чалғитишга, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлардаги ишлар Хитойдагига қараганда ёмонроқ бораётир, деган уйдирма тухматлар билан одамларни алдашга, ҳақли равишда кўтарилаётган норозилик ва танқидни даф этишга уринмоқда. Совет Иттифоқининг экономикаси «кризисга» учраётир, деган мақолалар Хитой матбуотида деярлик ҳар кун чиқиб турибди. Пекин пропагандистлари совет халқининг муваффақиятларини камситишга, мамлакатимиз тўғрисидаги ҳақиқатни хитой халқидан яширишга жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар.

Хитой раҳбарларига аниқ маълум бўлса ҳам аммо улар халқдан зўр бериб яшираётган фактларни айтиб утайлик. 1960 йилдан 1969 йилгача бўлган давр ичида СССР-да электр энергия ишлаб чиқариш 292 миллиард киловатт-соатдан 689 миллиард киловатт-соатга, кўмир қазиб чиқариш 510 миллион тоннадан 608 миллион тоннага, нефть қазиб олиш 148 миллион тоннадан 328 миллион тоннага, пўлат ишлаб чиқариш 65,3 миллион тоннадан 110 миллион тоннага, дон етиштириш 125,5 миллион тоннадан 160,5 миллион тоннага етказилди.

Ҳозир Совет Иттифоқи кўмир, темир руда, марганец руда қазиб чиқариш жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда турибди. Нефть қазиб олиш, пўлат эритиш, электр энергия ишлаб чиқариш, машинасозлик маҳсулотининг энг муҳим турларидан кўпларини, химия маҳсулотини ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотини ишлаб чиқариш жиҳатидан СССР Европада биринчи ўринда ва жаҳонда иккинчи ўринда турибди.

Социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Чунончи, ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 1950 йилдан 1969 йилга қадар бўлган вақт ичида 6,3 баравар кўпайтирдилар, аммо шу давр ичида ривожланган капиталистик мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 2,7 баравар кўпайди, холос. Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар аҳолиси Ер куррасидаги аҳолининг атиги 10 процентини ташкил қилгани ҳолда, бу мамлакатлар ҳозирги вақтда жаҳон саноат маҳсулотининг тахминан учдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга бу мамлакатларнинг жаҳондаги саноат ишлаб чиқаришида бўлган салмоғи тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда социалистик мамлакатлар ижтимоий ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти асосида интенсивлаштириш йўли билан бу ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим чора ва тадбирларни амалга оширмоқдалар. Улар қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамламоқдалар, социалистик иқтисодий интеграцияни янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Жаҳон социализмининг муваффақиятлари фақат социалистик мамлакатларнинг манфаатларигагина хизмат қилиб қолаётгани йўқ, бу муваффақиятлар жуда катта революционлаштирувчи кучга ҳам эга.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқ хўжалигининг тез ривожланиб бораётганлиги, бу ривожланиш суръатлари капиталистик давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларидан илдамроқ бўлиб бораётганлиги, меҳнаткашлар фаровонлиги ошиб бораётганлиги; фан-техника тараққиётининг бир қанча соҳаларида социализм олдинги марраларга чиқиб олганлиги—социалистик мамлакатлар халқларининг бунёдкорлик меҳнатидаги мана шу реал якунларнинг ҳаммаси тинчлик, демократия ва социализм кучларининг империализмга нисбатан устунлигини таъминлашга ҳал қилувчи даражада таъсир ўтказмоқда.

«Халқаро революцияга биз ўзимизнинг асосий таъсиримизни хўжалик сиёсатимиз билан ўтказамиз» деб Ленин берган кўрсатмаларнинг ўзгармас аҳамияти мана шу тарзда таъкидланмоқда.

Хитой Коммунистик партиясининг VIII съезди (1956 йил) уқдириб ўтган қуйидаги гапларни эслатиш ўринли бўлади: «бутун партия ишининг асосий мақсади шуки, халқ турмушининг моддий ва маданий талабларини энг кўп даражада қондирмоқ керак, шу сабабли ишлаб чиқаришни ривожлантириш негизида халқ турмушини аста-секин ва оғишмай яхшилаб бориш зарур, бу эса, ўз навбатида, омманинг ишлаб чиқариш активлигини оширишнинг зарур шартидир». Халқнинг турмуш даражасини оширишни энди Хитойда «қора экономизм» ва «буржуача айнаш» деб эълон қилмоқдалар.

Шундай қилиб, Хитой Халқ Республикасида социализм асосий иқтисодий қонуни талаблари поймол этилмоқда. Натижада ишлаб чиқариш меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданиятини ҳар доим юксалтириш вазифаларига бўйсундирилмасдан, балки меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига ёт бўлган мақсадларга—халқаро майдонда экспансиячилик ниятларини амалга оширмоқ учун ҳарбий қувватни кўпайтириш мақсадларига бўйсундирилмоқда.

Пекин раҳбарлари жамиятнинг асосий социал табақалари ўртасида жанжалли муносабатларни вужудга келтириб, ишчилар синфининг позициясини бўшаштириб юбордилар, ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқига путур етказдилар. Хитойнинг социалистик устқурмасини емирдилар.

«Маданий революция»нинг бутун тиғи Хитойдаги чинакам революцион, интернационал кучларни бостириш ва қириб ташлашга қаратилган ва бунинг учун, чамаси, ҳамма чоралар кўрилган бўлса ҳам, аммо шундан бери ўтган тўрт йил ичида Хитой жамиятини кемираётган зиддиятларнинг кескинлиги ҳозирги вақтда ҳам бўшашгани йўқ. Ленинизмга зид йўлга қарши чиқаётганларнинг ҳаммасини «бир ҳовуч душманлар» деб атаб, уларни таг-томири билан қўпориб ташлайлик, деган даъватлар Хитой матбуоти саҳифаларида шунинг учун ҳам давом этиб келмоқда. Мамлакатда террор авж олиб кетди. Катта шаҳарларда судлар қилиниб, тўда-тўда кишиларни ўлимга ҳукм қилмоқдалар, улар майдонларда ва стадионларда кўп минглаб халқнинг кўз олдида қатл этилмоқда.

Майда миллатлар зўрлаб ассимиляция қилинаётганлиги (хитойлаштирилаётганлиги) Хитойда ўрнатилаётган режимнинг халқ манфаатларига зид эканлигини кўрсатувчи далилларнинг биридир. Пекин, Шанхай ва бошқа шаҳарлардан Синцзянга, Тибетга, Ички Монголияга ва Гуанси—Чжуан автоном районига ҳар йили миллионлаб хитой кўчириб келтирилмоқда. Майда миллатлар миллий, этник жиҳатдан батамом ютиб ва йўқ қилиниб юборилмоқда. (45 миллион кишидан иборат майда миллатларнинг тақдири мана шу аҳволга тушиб қолди). Аслида ўзи чўлтоқ бўлган маҳаллий автономия «маданий революция» давомида қуруқ гапга айлантириб юборилди. Миллий кадрларнинг ва миллий зиёлиларнинг кўпчилиги репрессия қилинди. Майда миллатлар яшаб турган районлар «меҳнат армиялари» маконига ва қамоқ лагерларига айлантирилди. Хань миллатига мансуб бўлмаган халқларнинг — уйғурлар, монголлар, тибетликлар, чжуанлар, қозоқлар, корейслар ва бошқаларнинг кўп асрли маданияти ва урф-одатлари бирма-бир йўқ қилинмоқда. Бу шафқатсиз сиёсат Хитой майда миллатлари орасида ғалаён ва қўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Уларнинг қаршилигини бостирмоқ учун янгидан-янги ҳарбий қисмлар юборилмоқда. Бу ҳарбий қисмларнинг кўплари қўшни давлатларнинг чегараларига тўпланмоқда.

Маҳаллий ерли халқ Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикасига чегарадош районлардан ҳайдаб юборилмоқда. Аҳвол шу даражага бориб етган бўлса ҳам аммо Пекин пропагандаси Хитойнинг майда миллатларга зўрлаб қабул қилдирилаётган тартибларни мақташдан ва шу билан бир вақтда Совет Иттифоқи халқларининг тенг ҳуқуқлилиги, дўстлиги ва қардошлиги ленинча сиёсатига тухматлар қилишдан ўзини тиймаётир.

Бу борада ҳам СССР ҳақидаги ҳақиқатнинг Хитойга кириб боришига йўл қўймаслик учун заҳарли туҳмат қуроли ишга солинди.

Совет Иттифоқидаги миллий қурилишнинг ярим асрдан кўпроқ тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, КПСС ва Совет давлати миллий сиёсатнинг ленинча принципларини амалга ошириб, СССР-даги ҳамма халқларнинг бузилмас маънавий-сиёсий бирлигини вужудга келтирдилар ва мустаҳкамладилар, шу халқлар экономикаси ва маданиятининг чинакам гуллаб-яшнашини таъминладилар. Илгари Чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкалари бўлган ҳозирги иттифоқдош республикаларнинг ривожланиши тўғрисидаги баъзи маълумотларнигина келтириб ўтиш кифоя қилади. Совет ҳокимияти йилларида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1913 йилги даражага нисбатан Ўзбекистонда 70 баравар, Тожикистонда 76 баравар, Қозоғистонда 124 баравар, Қирғизистонда 152 баравар кўпайди. Булар илгари аҳолиси ёппасига деярлик саводсиз районлар эди. Эндиликда бу республикаларда институтлар, университетлар, фанлар академиялари ишлаб турибди, мактаблар, кутубхоналар, театрлар, медицина муассасаларининг кенг тармоғи вужудга келтирилган.

Совет Иттифоқида миллий масала—ижтимоий ҳаётнинг энг кескин ва қийин масалаларидан бири ҳал этилганлиги социалистик тузумимизнинг энг катта муваффақияти бўлди, инсониятнинг ижтимоий тараққиётида қўйилган муҳим қадам бўлди. Пекин раҳбарлари СССРнинг миллий сиёсатини обрўсизлантиришга уринаётганликлари уларнинг ўзлари ўтказаётган антисоциалистик, улуғ ханчилик йўлини муқаррар фош қилиб ташламоқда.

Хитойда ўрнатилаётган казармавий «коммунизм» ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда, фан-техника революциясининг натижаларини эгаллашда социалистик жамият талабларига зид бўлиб тушмоқда, халқ оммасининг моддий фаровонликни оширишдан ва маданиятни юксалтиришдан, социалистик демократияни ривожлантиришдан, миллатларнинг чинакам тенг ҳуқуқлигини таъминлашдан бениҳоя манфаатдорлигига зид бўлиб тушмоқда,— илмий социализмнинг ғалабасини таъминлаётган ижтимоий ривожланишнинг барча объектив жараёнларига зид бўлиб тушмоқда.

III

Ҳозирги Хитой раҳбарларининг ленинизмга зид йўли ташқи сиёсатда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Урушга тайёргарлик йўли бутун миллатнинг узоқ вақтга мўлжалланган сиёсий программаси деб эълон қилинди.

Мао Цзе дуннинг уруш муқаррар ва ҳатто матлуб деган мазмундаги тезиси Хитой Коммунистик партиясининг IX съездида «қонунлаштириб» олинди. «Жаҳон уруши масаласига келганда,— деди Мао,— фақат икки хил имконият бор: ё уруш революцияни келтириб чиқаради, ёки революция урушнинг олдини олади». Линь Бяо Хитой Компартиясининг IX съездида, шундан кейин эса Хитой матбуоти мана шу формуланинг маъносини изоҳлаб, революцияни ҳар доим уруш билан боғлиқ деб тушунтирабердилар ва тушунтирмоқдалар. Чунончи «Цзефан Жибао» газетаси революция «муқаррар урушга айланиши лозим» деб ёзди. Шу йўл-йўриқларга кўра урушнинг олдини олиб бўлмаслиги у ёқда турсин, ҳатто урушга интилмоқ керак. Газета, чорак асрдан бери жаҳон уруши бўлмай турибди, деб афсусланади.

Хитой пропагандистлари ўз нашрларидан бирида тўғридан-тўғри шундай деб ёзадилар: «Урушнинг олдини олиш мумкин, деган назария хатарли назария... Уруш бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бутун гап шундаки, уруш қачон бўлади, тезроқ бўладими ёки йўқми,— гап мана шунда. Урушнинг олдини олиш мумкин эмас. Ҳозирги вазиятда урушнинг олдини олиш мумкин, деган қарашларга қарши қаттиқ курашмоқ керак».

Маочилар урушни тарғиб қилиш билан жаҳон социализмининг, барча мамлакат меҳнаткашларининг, жаҳон революциясининг манфаатларига зид ҳаракат қилмоқдалар. Пекин стратеглари «ўлдирилган империализм, социал империализм» харобалари устида «юз минг марта яхшироқ цивилизация вужудга келтирилади», деб эълон қилмоқдалар.

Масалан, Мао партия ходимларининг Чэндудаги кенгашида сўзлаган нутқида сурбетлик билан бундай деди: «Агар, масалан, атом бомба бизни кунфая кун қилса, нима ҳам дердик, қилаверсин, урушдан кейин биз қурилишни янгидан бошлаймиз. Ўшанда қурилишимиз ҳозирги вақтдагидан кўра бир мунча яхшироқ бўлиб чиқиши ҳам эҳтимол». Кейинги ўн йилнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, халқаро кескинлик кучайган ҳолларнинг ҳаммасида Пекин раҳбарлари муттасил бир нарсага, яъни вазиятни тағин ҳам кўпроқ кескинлаштиришга, жаҳонни урушга тортишга интилавердилар.

Ҳозирги Хитой раҳбарларининг уруш ва тинчлик масаласидаги позицияси Хитой Компартиясининг IX съездидан кейин советларга қарши сўзланган нутқлар ва мақолаларда, шу жумладан, кейинги вақтлардаги мақолаларда неча марталаб баён қилинди. Хитой раҳбарлари Совет Иттифоқини Америка империализмидан ҳам хатарлироқ душман қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Пекин мамлакатни ҳарбийлаштириш йўлидаги бутун кампанияни СССРга қарши, бошқа социалистик мамлакатларга қарши урушга тайёрланиш шиори остида, шу мамлакатлардаги социалистик тузумни ағдариб ташлаш учун кураш шиори остида олиб бормоқда.

Мамлакатда авж олиб кетган чуқур социал-сиёсий кризисни Хитой раҳбарлари ашаддий шовинизм кампаниясини авж олдириш, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши, шунингдек Хитойга чегарадош носоциалистик давлатларнинг баъзиларига қарши душманлик кампаниясини авж олдириш йўли билан пасайтиришга уринмоқдалар. Маонинг авантюристик йўли сабабли хитой халқи бошига тушган кулфат ва офатларнинг ҳаммаси учун жавобгарликни «ташқи душманлар» устига тўнкашга уринмоқдалар. Пекиндагилар империализмни эмас, балки, аввало Совет Иттифоқини, социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларини мана шу «ташқи душманлар» қаторига қўшиб қўймоқдалар. «Хитой Халқ Республикасига шимолдан ҳужум бўлиш хавфи бор» деган қалбаки гаплардан иборат иғвогарлик пропагандаси хитойда нақадар кенгайтириб юборилганлиги маълум. Ана шу нарса ҳам маълумки, кейинги йилларда Хитой Халқ Республикасининг раҳбарлари Хитойга қўшни бўлган мамлакатларнинг, шу жумладан Совет Иттифоқининг территориясидан бир қисмини ҳеч бир асоссиз даъво қилдилар. Хитой Халқ Республикасининг раҳбарлари мана шу даъволарни амалга оширишга ва қўшни мамлакатларга нисбатан нафратни авж олдиришга интилиб, чегараларда бир қанча жанжаллар чиқардилар. Хитойда мана шу тарзда авж олдирилаётган ҳарбий васваса вазиятида халқ норозилигини бостириш, мамлакатни ҳарбийлаштиришни тезлаштириш йўли, уруш муқаррар деган пропаганда зўр бериб ўтказилмоқда.

Пекиндагилар бу сиёсатни оқламоқ учун силлиқроқ важлар қидирмоқдалар. Хитой мумтоз мамлакат, ер юзида раҳбарлик ролини ўйнаш тарихан хитой зиммасига юклатилган, деган феодализм тасаввурларининг реакцион лаш-лушлари орасидан мана шундай важларнинг бири топилди. Мана шу шовинистик лаш-лушлар «Мао ғояларини» бутун дунёда барқарор қилиш учун кураш деган «ўта революцион» шаклга солинди.

Мэйда буржуа авантюризми ва феодал улуғ давлатчилик концепциялари, «ўта революцион» гапбозлик ва ҳақиқатда антиреволюцион практика шу тариқа бир-бирига маташиб кетди.

Хитой раҳбарлари ўзларини революцион курашчилар ролини бажараётган кишилар қилиб, Пекинни эса жаҳон революциясининг маркази қилиб кўрсатмоқ учун кўпгина маккорлик ва айёрлик найрангларини ишлатдилар.

Агар Пекин арбобларининг нутқларига ва у ердаги газеталарнинг мақолаларига бир нафас қулоқ солсангиз, Пекиндагилар жаҳон революциясининг ишлари тўғрисида гўё кечаю-кундуз жон куйдираётгандек бўлиб туюлиши мумкин.

Агар Хитой раҳбарлари марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмига содиқ бўлиб қолганида эди, Хитой Халқ Республикаси революцион, антиимпериалистик кучларнинг ҳаракатларига жиддий ҳисса қўшган бўлур эди. Империализмнинг найранглар ишлатиш ва революцион кучларга қарши ҳужумга ўтиш имконияти хийла чекланиб қолган бўлур эди. Лекин Пекиндагилар бошқа йўлга тушиб олдилар. Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари Хитой Халқ Республикасини антиимпериалистик кучларнинг муштарак фронтига қарши қилиб қўяётганликлари учун социализм мамлакатлари, халқаро ишчилар синфи ва миллий озодлик ҳаракати олдида жавобгардирлар.

Империалистлар жаҳон революцион жараёнини тўхтатиб қолишга интилиб, халқаро миқёсда ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштирмоқдалар. Хитой раҳбарлари эса ўз ташқи сиёсатларининг тиғини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслигига қарши қаратмоқдалар, социалистик давлатларнинг — Варшава шартномаси қатнашчиларининг иттифоқчилик муносабатларига путур етказишга, экономикада социалистик интеграция қилишни янада ривожлантириш планларининг амалга оширилишига халақит беришга интилмоқдалар. Ваҳоланки, империалистларнинг нияти ҳам мана шунинг худди ўзгинаси.

Кейинги йилларда империализмнинг агрессив ҳаракатлари сабабли халқаро вазият кескинлашган ҳолларнинг биронтасида ҳам Хитой Халқ Республикаси реакция ва агрессия кучларига биргаликда зарба бериш мақсадида социалистик ҳамдўстлик, антиимпериалистик кучлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилгани йўқ.

Пекин раҳбарлари Осиё ва Африкадаги коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатининг баъзи отрядларига ўзларининг авантюристик тактикаларини қабул қилдириб, уларни мағлуб бўлишга ва тор-мор қилинишга маҳкум этганликлари учун жавобгардирлар. Пекинлик маслаҳатчиларнинг гапига ишонган ўн минглаб мард жангчилар жонларидан жудо бўлдилар, айрим мамлакатлардаги революцион ҳаракат оғир талафотлар бериб, анча орқага улоқтириб ташланди.— Пекиндаги «ўта революционерлар» қилаётган авантюристик ҳаракатлар ва иғвогарликларнинг қонли якуни мана шундай бўлди.


АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги империалистик агрессияси кенгайтирилаётганлиги, Исроилнинг араб давлатларига қарши агрессив ҳаракатлари давом эттирилаётганлиги, империалистик давлатлар бир қанча давлатларнинг ички ишларига ҳарбий куч билан аралашаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси миллий озодлик ҳаракатига, халқларнинг социал тараққиётига қарши қилинаётган тажовузлардир.

Совет ҳукуматининг 4 майдаги баёнотида кўрсатиб ўтилганидек, «АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессияси кенгайтирилаётганлиги агрессияга қарши курашда барча социалистик, барча антиимпериалистик ва тинчликсевар кучларни бирлаштиришни ва уларнинг жипслигини кенгайтиришни тағин ҳам заруррок иш қилиб қўймоқда».

Партиямиз ва ҳукуматимизнинг, совет халқининг позицияси мана шу. Қардош социалистик мамлакатлар, бутун дунёдаги марксчи-ленинчи партиялар ҳам худди мана шундай позицияда турибди.

Пекиннинг антиимпериалистик фронтнинг асосий отрядлари ўртасидаги алоқаларни қўпоришга қаратилган авантюристик бузғунчилик йўли натижасида келиб чиқаётган салбий оқибатлар мана шу шароитда айниқса яққол бўлиб қолмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда).



ТОШКЕНТ телевизион марказ замонавий техника асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган. Суратда: катта инженер М. Мирзоҳидов аппаратларни созламоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚИММАТЛИ ҚЎЛЛАНМА

Бадиий адабиёт инсон шахсининг ҳар томонлама шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам И. Г. Чернишевский бадиий адабиётни «ҳаёт қўлланмаси», М. Горький эса «инсоншунослик» деб атаганди.

Мактаб ўқувчиларининг адабиёт фанини қай даражада ўзлаштиргани-лиги улар олган билим билан ўлчанади. Адабиёт назарияси ўқувчиларнинг бадиий асарни тўғри, мукаммал тушунишига ёрдам беради. Шуни эътиборга олиб, мактабларда адабиёт тарихи билан биргаликда адабиёт назариясини ўқитишга ҳам катта эътибор берилади.

Адабиёт назарияси адабиётнинг ажралмас бир қисмидир. Аммо кўпинча ўқитувчилар бу масалани аниқ тушунмай, дарсни тўғри ташкил этолмайдилар. Бу соҳада аниқ йўналиш кўрсатиб берадиган амалий қўлланмага муҳтож бўлиб қоладилар. Фикримизча, А. Зунуновнинг «5-10 синфларда адабиёт назариясини ўқитиш» дарслиги бу борада яхши дастур бўла олади.

Қўлланмадаги материаллар синфларга мувофиқлаштириб жойлаштирилган. Маълумки, 5-7-синфларда адабиёт ўқитишдан мақсад ўқувчиларни бадиий адабиёт билан таништириш, бадиий асардан айрим парчалар танлай билиш, адабиёт тарихи курси ҳақида тасаввур ҳосил қилишдан иборат. Юқори синфларда эса бу фанни ўқитиш тадрижий такомиллаштириб борилади. А. Зунунов мана шу фарқни назарда тутиб, қўлланмани икки қисмга — «5-8-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш» ва «9, 10-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш»га бўлади.

Муаллиф 5-6-синфларда ҳам, 9-10-синфларда ҳам адабиёт ўқитишни тадрижий тарзда ривожлантириб бориш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун қиёслаш, мажоз, ўхшатишлар ва бевосита ҳаётий мисоллардан фойдаланишни маслаҳат беради, назарияни ўзлаштириш оғирлигини ҳисобга олиб, ўқ фикрини турли хил кўргазмали суратлар билан тушунтиради.

Муаллиф адабиёт назариясининг умумий томонларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. У 5-7-синфларда асарнинг ёзилиши, гояси, адабий турлар ҳақида маълумот бериш, юқори синфларда эса адабиётнинг халқчиллиги, партиявийлиги, адабий қаҳрамон ва ёзувчи услуби ҳақида фикр юритиш лозимлигини уқтиради.

Агар биз англашмасак, Озарбайжон мактабларидагидек ўзбек мактабларида ҳам адабиёт назариясига оид қўлланмага муҳтожлик бўлса керак. Тўғри, 1940 йилда И. Султоновнинг «Адабиёт назарияси» деган китоби чиққан эди. Аммо, эндиликда бундай қўлланмани мутлақо топиб бўлмайди. Агар мана шу нарса ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, мазкур қўлланма янада муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек мактабларининг ўқитувчилари бу қўлланмадан назарий билимлар манбаи сифатида фойдаланишлари, унда ўзбек халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт намуналари, ароз, социалистик реализм ҳақида кўп ажойиб фикрлар билан танишишлари, ўз талабларига аруз ва унинг ўзига хослиги ҳақида яхшигина маълумот беришлари мумкин.

Бу ўринда айрим мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Фикримизча, қўлланмада шеърият назариясини ўрганишга кам эътибор берилган. Маълумки, Шарқ шеърияти кўп асрлик бой тарихга эга. Шарқ мутафаккир шоирларининг ижоди бутун жаҳонга маълум ва машҳур, у мазмун, шакл жиҳатидан ранг-барангдир. Афсуски, асарда шеърнатиқиз ҳақида батафсил маълумот берилмаган. Муаллиф аруз ҳақида фикр юритганида ўзбек шоирлари ижодидан намуналар келтириб ўтганида, янада яхшироқ бўларди.

Шубҳасиз, бу мулоҳазалар қўлланманинг умумий қимматига заррача путур етказмайди. Истардикки, А. Зунунов ўзбек адабиёти назариясини янада чуқурроқ, мукаммалроқ ўрганиб, кўплаб мана шундай дастурлар яратса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Шамистон Абду ўғли МИКАИЛОВ, Озарбайжон педагогика илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими, педагогика фанлари кандидати.

БИЛДИРИШ

Меҳнатчилар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, XII—Чақириқ Тошкент шаҳар Советининг V-сессияси 1970 йил 26 майда эрта билан соат 10 да республика «Билимлар уйи»да чақирилади (Киров кўчаси 24уй).

Сессия муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилади.

1. Тошкент шаҳрида уй-жой фондидан фойдаланиш ҳолати ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида. Докладчи — Тошкент шаҳар совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Т. Қ. Абдуллаев.

2. Шаҳар советининг маданият ва санъат ишлари бўйича доимий комиссиясининг иши тўғрисида. Докладчи шаҳар советининг маданият ва санъат ишлари бўйича доимий комиссиясининг раиси ўртоқ А. А. Одилов.

3. «Тошкент шаҳрини ободонлаштириш, санитария ва жамоат тартибини сақлаш қоидалари ҳақида»ги шаҳар советининг III сессияси қарорининг бажарилиши тўғрисида Тошкент шаҳар совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С. Б. Норқўзиев ахборот беради.

Депутатлар 26 май куни шу бинонинг ўзида эрта билан соат 9 дан рўйхатга олинади.

Меҳнатчилар депутатлари Тошкент шаҳар советининг ижроия комитети.

КОЛХОЗ ТАРИХИ КЎЗГУСИ

Оққўрғондаги «Ленинобод» колхози клубида ташкил этилган фотокўргазмани ҳамма қизиқиб томоша қиладиган бўлди. Стендларга қўйилган расмлар ва плакатлар колхоз тарихидан ҳикоя қилади. «Колхознинг илғорлари», «Ветеранларимиз», «Колхозимизда чорвачилик» деб номланган бўлимлар айниқса жонли чиққан.

И. ХОТАМОВ.

БОЛАЛАР ШОДЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Эрта билан соат тўққиз. Пушкин ва 1-Май кўчалари кесишиб ўтган чорраҳанинг ўнг томонида қад кўтарган ҳашаматли тўққиз қаватли турар-жой биноси ҳовлиси болалар — мактаб ўқувчилари билан гавжум. Уларнинг қалбларида шодлик, чеҳраларида табассум. Бундан бир неча ҳафта илгари улар катта совға олган эдилар. Кўчанинг чап томонида Болалар дунёси магазини ишга туширилган, бу магазинда киймкечак дейсизми, пойафзал дейсизми, ҳаммаси муҳайё этилган эди.

В. И. Ленин номидаги Пионер ташкилотн туғилган кунда ана шу болалар дунёсининг иккинчи катта бўлими ўз кичик харидорларига армуғон этилди. Роса соат 10 да магазин бўлимларининг эшиклари очилди. Спорт моллари билан савдо қилувчи бўлим ходимлари мактаб ўқувчиларини дилларн хушнуд қабул қилишди. Бу ерда эркатойлар учун аталган ўзюрар турли хил машиналар, аравачалардан тортиб, мактаб ўқувчилари учун велосипедлар, футбол ва волейбол тўплари, спортнинг ҳамма турн бўйича нимаики зарур бўлса барчаси топилади.

Ичкарини болалар билан бирга айланамиз, бўлимлардан бўлимларга ўтамиз. Фото аппаратлар, ўйинчоқлар, ёзувчизув буюмлари, музика асбоблари, галантерея, ёш техниклар бўлимларининг ҳаммасида ҳам шоду-хуррам болалар гавжум. Улар ўз ота-оналари билан биргаликда кўнгиллари ҳоҳлаган молларини харид қилмоқдалар.

Болалар дунёсининг кеча очилган бу бўлимларида юздан ортиқ малакали, кўп йиллик тажрибага эга бўлган, ишчан савдо ходимлари иш бошлашди. Улар хушмуомала, болаларнинг дидларини биладиган, ички дунёсини тушунадиган кишилар. Мунаввар Мирзаева, Анна Карниенко, Қутбиддин Бойматов, Сима Локтева ўртоқлар сингари ўнлаб савдо ходимлари дилхушндлик билан болалар хизматида. Бу савдо ходимлари 15—20 йилдан бери болалар — мактаб ўқувчиларн билан бирга нафас олишиб келишмоқда.

— Бизнинг олдимизда жуда катта шарафли вазифа турибди, — дейди директор ўртоқ Юсуф Тулаганов, — биз фарзандларимизнинг, мактаб ўқувчиларининг истакларини, кўнгил ҳоҳишларини чуқур ўрганишимиз керак. Уларнинг дидларига мос молларни ҳар доим муҳайё қилиш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўришимиз зарур. Коллективимиз ана шунга амал қилиб ишлайди.

У. ЖОНГИТОВ.



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг нодир қўлёзмалар фондида машҳур Шарқ олимларининг кўпгина асарлари сақланмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) илмий ходимлардан С. Муталибова билан Н. Умаровалар нодир китобларни кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

СОХТА РЕВОЛЮЦИОНЕРЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАШАРАСИ

(Бошн учинчи бетда).

Чунончи, Хитой раҳбарлари Оснёда прогрессив режимларга путур етказиш, давлатлар ўртасида можаролар чиқариш, халқларнинг миллий озодлик курашини шу халқларнинг ҳақиқий иттифоқчиларидан — социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатидан ажралаб қўйиш йўлини бир қанча йиллардан бери ўтказиб келди ва ўтказмоқда.

Яна бунинг устига Пекин шу йўлни ўтказиш билан бирга Совет Иттифоқининг интернационал сиёсатига тухмат ва бўхтонлар қилишни ҳам давом эттирмоқда. Империалистик агрессияга қарши курашаётган халқларга, ривожланаётган мамлакатларга, қардош социализм мамлакатларига КПСС ва бутун совет халқи бераётган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдамни Пекиндаги «халқ дўстлари» «социал империалистик сиёсат» деб кўрсатишга урнимоқдалар ва ҳатто «Совет янги мустамлакачилиги» деган энг бемаъни уйдирмаларни тарқатишни ҳам ўзларига эп кўрмоқдалар.

Уларнинг мантиқига қараганда, империализмга қарши курашаётган халқлар ҳозирги замоннинг асосий революцион кучларидан ажралиб қолса, зўр ва маккор душман олдида якка ўзи қолса яхшироқ бўлган бўлур эди. Аммо ўз авантюраларини планлаштираётган жаноб империалистлар худди мана шуни орзу қилаётирлар.

Пекин ўзининг мана шундай ҳаракатлари билан империалистик агрессияга қарши СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга ҳаракат қилиш ниятида эмаслигини империалистлар олдида намойиш қилмоқда. Бундай позиция империалист доираларнинг манфаатларига зид режаларини ва планларини амалга оширишга ҳеч шубҳасиз рағбатлантиргани-ҳолда, буни Ҳинди-Хитойдаги кейинги воқеалар яна бир марта очиқ кўрсатди.

Пекин раҳбарлари халқларнинг озодлик учун олиб бораётган қаҳрамонона курашидан ўзларининг бутун жаҳон миқёсида қилаётган найранглари учун фойдаланишга интилаётганликлари, улуғ ханчилик шовинистларининг ғарчи бутун дунёни бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда Осиёни ўзига бўйсундиришдан «буюк Хитой»нинг янги империаторлари бўлиш тўғрисидаги орзуларига амал қилаётганликларини шу раҳбарларнинг қилаётган ҳаракатлари очиқ кўрсатиб турибдики, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Бундай сиёсат жаҳон социалистик системасининг, халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракатининг, халқлар олиб бораётган миллий озодлик курашининг манфаатларига. Хитой халқининг ҳақиқий манфаатларига бутунлай зид бўлиб тушмоқда. Сўзда «ўта революционлик» ва амалда меҳнаткашларнинг синфий манфаатларига қиёнат қилиш маоизмнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳақиқий моҳияти бўлиб қолди.

IV.

Ҳозирги Хитой раҳбарлари марксизм-ленинизм қудратли жозиба кучи билан ҳисоблашишга мажбур. Мао ўз номи ва ўз «гоялари» билангина оммани жалб қилмаслигини ва ушлаб туролмаслигини тушунмаслиги мумкин эмас. Муайян давр давомида у ўзини ниқоблаб марксчи қилиб кўрсатиб келди, ҳозир эса ўзини Маркс ва Ленининг вориси қилиб кўрсатишга уринмоқда.

Мао Цзэ Дуннинг концепцияси деган таъбир жоиз бўлса шу концепцияни ташкил этган тезисларнинг кўплари Маонинг тажрибаси ва назарий билими етарли бўлмаганлиги сабабли келиб чиққан ҳатолар ва адашишлар деб ҳисобланиб келган вақтлар ҳам бўлди. Маонинг ўзи менда «турли номарксистик қарашлар бўлган эди» ва мен «марксизмни китоблардан оз-моз ўрганганман» холос, деб эътироф қилган эди. Хитой коммунистик партиясида ва коминтернда Мао неча марталаб танқид қилинган эди.

Хитойдаги воқеаларнинг ривожланиши маоизмнинг ҳақиқий моҳиятини очиб ташлади. Маоизм реакцион-утопик майда буржуа концепцияси бўлиб, назарий жиҳатдан қараганда конфуцианчиликнинг, анархизмнинг, троцкизмнинг, майда буржуа миллатчилигининг элементларини ўз ичига олган энг хилма-хил қарашларнинг эклектик бўтқасидир. Конфуций таълимотидан Мао бу фалсафанинг энг консерватив жиҳатини, хусусан итоатли бўлиш, рухини тарғиб қилишни, якка ўзкимронликни, олий ўзкимронга сиғинишни мадҳ этган ўз концепциясига асос қилиб олди.

Майда буржуа таълимотларидан у деҳқонлар аёниқса революцион деган гояларни мерос қилиб олиб, ишчилар синфининг авангардлик ролини пасайтиришга уринди. Тарихий қолоқликдан келиб чиққан реакцион утопик тасаввурларни у янги назарий кашфиёт даражасига кўяди.

Буржуа-миллатчилик оқимларидан Мао буюк давлатчилик шовинистик қарашларни олиб ва ўзгартириб Хитойнинг бутун жаҳонга етакчилик қилиши керак, деган назарияга айлантирди,

Троцкийчилардан Мао Цзэ-Дун, сиёсий йўл-йўриқлар жамият тараққиётининг объектив фаолиятидан устун туриши керак, жамиятни «жингиртоп қилиб» ҳар бийлаштириш керак, жаҳон революцияси тантана қилмай турнб социализм ҳеч қаерда галаба қилиши мумкин эмас, деган гояларни шунингдек революцияни экспорт қилиш назариясини ва жаҳон уруши халқаро миқёсда революция қилишнинг бирдан-бир усули деган йўл йўриқни ниҳоят, троцкийчиларнинг ашаддий антисоветизми, уларнинг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафларида қўпорувчилик ишларини олиб бориш методларини ўз «назариясига» ва амалий ишларига асос қилиб олди.

Маоизм «хитойлаштирилган» социал шовинизмни ўзига асос қилиб олган ва ленинизмга зид бўлган сиёсий оқимдир. Хитой коммунистик партиясининг IX съездида Маони «Маркс ва Ленинданн анча юқори» қилиб кўйишни ўзига мақсад қилиб олган ва «марксизм-ленинизмнинг бутунлай янги босқичи» деб эълон қилинган «хитойлашти р и л г а н марксизм» мана шунинг худди ўзи. Шу тариқа улар марксизм-ленинизмни Маонинг «гоялари» ва сиёсий йўл-йўриқлари уюми билан алмаштиришга уринмоқдалар. Маонинг бу «гоялари» эса ўз сиёсий моҳияти — эътибори билан илмий коммунизм назариясига ва практикасига бутунлай ёт ва душман гоялардир.

Уларнинг бу кучанишлари бекўда! Маоизмнинг антисоциалистик характерини, назарий жиҳатдан пучлигини ҳеч нима билан яшириб бўлмайди. Маънавий қашшоқликни Маога сиғинишдан иборатдир. Пекин раҳбарлари ички ва ташқи сиёсатининг пинҳоний пружинаси мана шунинг ўзидан бошқа нарса эмас. Аввало Хитойдаги социализм иши учун жиддий ҳавф мана шундан келиб чиқади.

Пекинда Советларга қарши вассаса янада авж олдирилганлиги Мао Цзэ-дуннинг ташаббуси билан қилинди деб тахмин этиш мумкин эди ва ҳозирги Хитой матбуотидаги мақолалар ҳақиқатан ҳам бу тахминни тасдиқлаб берди. Хитой газеталарининг кейинги мақолаларида Маонинг Совет Иттифоқига нисбатан, Хитой ҳалқида нафрат туғдириш мақсадда айтган гаплари қайта-қайта такрорланмоқда. Шу нарса диққатга сазовордирки, Мао Цзе дуннинг эллигинчи йилнинг ўрталаридаёқ, яъни у Совет Иттифоқига ўзини дўст қилиб кўрсатиб ва уни ҳурматлайман деб юрган вақтларида айтган гапларидан ҳам парчалар келтирилмоқда.

Энди маълум бўлишича, 1956 йилда Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленумида Мао Совет Иттифоқида «Ленинизм асосан улоқтириб ташланган» деб даъво қилган. Орадан роса бир йил ўтгач, Мао Москвада улуғ Октябрнинг 40 йиллигига бағишланган СССР Олий Совети юбилей сессиясида бундай деган эди: «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси амалий вазифаларни ҳал этишда марксизм-ленинизм назариясини ижодий қўлланиб, совет халқининг янги турмуш қуришда узлуксиз ғалабалар қозонишини таъминлади, СССРда коммунизм қуриш учун курашнинг КПСС XX съездида белгилаб берилган программаси жуда зўр намуна бўла олади».

Партиямизга ва халқимизга нисбатан уятсизларча хоинлик қилинганлиги мана шу фактнинг ўзидан кўриниб турибди.

Мафкуравий диверсиялар қилиш йўли билан социализмга қарши кураш олиб боришга империализм алоҳида аҳамият бераётган ҳозирги пайтда маочиларнинг социалистик мамлакатларини бирбиридан ажратишга ва занфлантиришга, коммунистик ҳаракат ва оммавий прогрессив ташкилотлар сафини бузишга қаратилган кўпорувчилик ишлари аслини олганда меҳнаткашларнинг синфий душманларига йўл очиб бермоқда. Хитой раҳбарлари ўзларининг шу ишлари билан антикоммунизмга тобора кўпроқ ёндошмоқдалар. Пекин пропагандистлари билан урушқоқ империалистик идеологлар ўртасида ўзига ҳос алоқа ва боғланиш вужудга келди: улар бир-бирларининг иш усулларини, терминларини, «важларини» ўзаро ишга солиб, антикоммунизмнинг заҳарли қурол-яроғларидан биргаликда фойдаланмоқдалар. Жаҳон революцион жараёнига муртадлардан, синфий душман ёллаган ёвузлардан бнронтаси шу дамгача Пекин раҳбарлари ҳозирги вақтда етказаётгандек зарар етказмаган эди.

Пекин матбуотидаги кейинги мақолалар ва маочиларнинг халқаро майдондаги кейинги ҳаракатлари улар марксчи-ленинчи партияларга қарши қўпорувчилик ҳаракатларини активлаштирганликларини кўрсатиб турибди. Коммунистик ва ишчи партияларга қарши курашмоқ учун, ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати сафларида ивгоғарликлар қилмоқ учун турли мамлакатларда Пекин тарафдори бўлган ренегат сотқин группаларни тузиш бу тактиканинг асосий элементларидан бири бўлиб қолди.

Жаҳон революцион ҳаракатининг манфаатлари маоизмнинг қўпорувчилик, бузғунчилик кирдикорларига кескин зарба бериш ни империализмга қарши курашда марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосида бутун чоралар билан жипслашишни талаб қилади.

* * *

Хитойнинг социалистик ривожланиши учун фақат битта йўл бор—бу йўлни хитой халқининг ўзи озодлик учун кураш йилларида, социалистик ҳамдўстлик сафларида туриб, янги жамият қуриш йилларида амалда синаб кўрган. Бу йўл Ленин йўлидир, коммунист ва партиясиз чинакам интернационалист кадрларнинг энг чиниққан, етук қисми шу йўлга содиқ бўлиб қолаётганлигини Хитойдаги воқеалар кўрсатиб турибди. Қардош коммунистик ва ишчи партиялар хитой халқини шу йўлга даъват қилиб келдилар ва даъват қилмоқдалар.

Хитой халқининг манфаатларига мувофиқ бўлиб тушадиган бирдан-бир йўл шуки, у жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг, революцион озодлик ҳаракатининг кучлари билан жипслашмоғи ва бирдам бўлмоғи керак, хитой жамиятининг чинакам социалистик негизларини қайта тикламоғи ва қарор топтирмоғи керак.

КПСС, Совет Ҳукумати Хитой билан дўстлик муносабатларини қайта тиклаш ва ривожлантириш йўлини муттасил ўтказиб келмоқдалар. Бу муносабатлар бузилганлигига ва ғоят кескинлашиб кетганлигига биз айбдор эмас. Хитой Халқ Республикасининг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларидаги ҳозирги ҳолат Хитой раҳбарлари ўтказиб келаётган шовинистик сиёсатнинг оқибати бўлди, улар марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари билан алоқани узганликларининг натижаси бўлди.

КПСС Марказий Комитети, Совет Ҳукумати ҳозирги Хитой раҳбарлари ўтказаётган сиёсий ва ғоявий йўлнинг ленинизмга, халқ манфаатларига зид моҳиятини фош қилиб ташлаш, уларнинг халқаро коммунистик ҳаракатидаги бузғунчилик фаолиятига қарши ва ташқи сиёсатдаги буюк давлатчилик йўлига қарши принципиал кураш олиб бориш билан бир вақтда ғоявий келишмовчиликларнинг давлатлараро муносабатларига кўчирилмаслигига ҳар доим ҳаракат қилиб келдилар ва ҳаракат қилмоқдалар.

Пекинда олиб борилаётган музокараларда Совет Иттифоқи Совет-Хитой чегарасидаги аҳволни нормаллаштириш масаласида равшан ва аниқ позицияда турибди. Бизнинг мамлакатимиз бу чегарани яхши қўшничилик чизнгига айлантиришга имкон берадиган битимга келишни зарур деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати кўп марталаб ўқтириб ўтганларидек, биз ўзимизнинг қонуний принципиал позицияларимиздан чекинмай туриб, ўз социалистик Ватанимизнинг манфаатларини ва Ватанимиз чегараларининг даҳлсизлигини қаттиқ ҳимоя қилиб, Хитой Халқ Республикаси билан давлатлараро муносабатларни нормаллаштирмоқ учун қилимиздан келган чораларни бундан буён ҳам кўраверамиз.

Лекин Пекин раҳбарлари халқдан «Очиликка ҳозирланишни, урушга ҳозирланишни» талаб қилиб уруш талвасасини зур бериб авж олдираётганликларига кўз юмиб қараб туролмаймиз. Хитой олимлари, инженерлари ва ишчиларининг фидокорона куч-гайрати туфайли, ҳатто яқинда учирилган йўлдошдан ҳам мамлакатимиз шаънига дўқлар қилиш ва миллатчилик кайфиятларини авж олдириш учун фойдаланмоқдалар.

Агар бу ҳаракатларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқига тазйиқ ўтказиш учун қилинаётган бўлса, олдиндан шуни айтиб қўйиш мумкинки, бундай уринишлар ҳеч бир натижа бермайди. Совет халқининг асаби жуда маҳкам. Ўз Ватанининг манфаатларини қаттиқ туриб-ҳимоя қилмоқ учун совет халқида зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор.

Бизнинг фикримиз шуки, совет ва хитой халқларининг узоқ вақтларга мўлжалланган туб манфаатлари бир-бирига зид келмайди, балки бир-бирига мос бўлиб тушади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладида бундай деган эди: «Хитой билан Совет Иттифоқи ўртасидаги. Хитой билан бошқа социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг келажакдаги ривожланиши учун бирдан-бир тўғри истиқбол шуки, биз ҳаммамиз Ленин йўлидан, империалистик реакциянинг қора кучларига қарши, социализм ва коммунизм муқаддас ишининг ғалабаси учун кураш йўлидан бирга боришимиз керак».

Совет халқи мана шу тарихий истиқболга асосланиб, хитой халқига нисбатан ўзининг дўстона муносабатини сақлаб келмоқда. Чинакам социалистик, интернационалистик йўл Хитойда оқибат натижада тантана қилиши лозим ва тантана қилади. Тарихий тараққиётнинг объектив мантиқи мана шу.

«ПРАВДА»нинг 18 майдаги редакцион мақоласи.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 — Кўрсатувлар программаси. 18.35 — Телеэнгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.50 — Беш йилликни — муддатидан илгари... 19.05 — Халқ талантлари концерти. 19.40 — Телеэнгиликлар. 19.55 — Кўрсатувлар программаси.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — Ўсмирлар учун. «Юз минг қаерда, қачон ва нима учун?». 19.15 — Спорт эшиттириши. 19.45 — Гитара ҳақида қўшиқ.

Ўзбек тилида: 20.10 — Ўзбек пилласи. 20.30 — «Дўстлик» татар халқ ансамблининг концерти. 22.10 — «Танишинг, Балуев» (Бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Угрюм-река» (Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси). 21.20 — «Эстония» (Ҳужжатли фильм) 21.50 — Ла Скала театри солистларининг концерти.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/V да Чио.Чио.Сан.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/V да Олтинчи июль, 21/V да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/V да Қайнона, 21/V да Ёшликда орган кўнгил, 22/V да Жон қизлар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Лилипутлар иштирокида янги цирк томошалари программаси ва Болгария цирки артистларининг гастроллари.

«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА — Ленинград Давлат муз устидаги балетининг гастроллари.

Кино

Қотиллинда айбланади — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ». (кундуз ва кечқурун).

Мазандарон шери — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги каникуллар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Ун беш ёшли капитан (эрталаб соат 9 дамда), Ҳалоснорлик (2 серия эрталаб соат 11, кундуз 2.15, 5.30 ва кеч 8.30 минутларда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Озод туғилган — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 кеч 8 да).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

«ВОЛХОВ-Б», «ВОЛХОВ-2», «ВОЛХОВ-М», АЭЛИТА УНТ-35» ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ, «ЛИРА» ТЕЛЕРАДИОЛАСИ 40 ПРОЦЕНТГА ЧА АРЗОНЛАШДИ.

Уларни «Ташкомиссионторг»нинг қуйидаги магазинларидан сотиб олишингиз мумкин:

6— «Халқлар дўстлиги» проспекти, 5 квартал, 1-уй;

16—4-турар жой шаҳарчаси, Дубовий кўчаси;

19— Паркент бозори;

25— Октябрь бозори;

34— Олой бозори;

35— Госпиталь бозори;

36— Қўйлиқ бозори;

15— Уйғур кўчаси, «Кўкча» майдони».

Арзонлашган телевизорлардан сотиб олинг!

Узбекистон ССР Министрлар Советининг моддий техника таъминоти бош бошқармаси қошида химиявий ҳомашёларни тарқатиш бўйича

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАЙДА УЛГУРЖИ МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

Магазин: эрнин савдога рухсат берилган молларни ҳамма истеъмолчиларга лимитсиз сотади.

«Узглавхимснабсбит» нарядн бўйича магазин таъминотнга бириктирилган истеъмолчиларга химиявий ва резина-техника буюмларини лимит счёти билан тарқатади.

ортиқча хомашёларни комиссион савдога қабул қилади ва сотади.

Сотиб олинган хомашёлар ҳақини лимит китобчалари ёки давлат банки орқали ўрнатилган тартиб бўйича тўланади.

159 ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 4 ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИГА

бетончилар, электр пайвандчилар, арматурачилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқхона, оилалилар 2 йил ичида турар жой билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чермет кўчаси, 53 уй (19 автобусинг «Чермет» бекати).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1648. ИНДЕКС — 64697. Р. 12626.